*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 13 сентябрь
ПАЙШАНБА
№ 209 (5.002).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

# ОҚ ОЛТИН КАРВОНИГА-КЕНГ ЙЎЛ!

## ТЕРИМЧИЛАР МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНМОҚДА

**Чиноз районн далаларида сабзавот, полиз экинлари қатори 8400 гектар майдонда пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Мўлжал ҳосилдорликни 30 центнерга, ялпи ҳосилни эса 25 минг тоннага етказиш! Эндиги мақсад катта меҳнат эвазига чаноқларда тўлиб турган ҳосилнинг бир толасини ҳам исроф қилмай териб олишдир.**

Район агросаноат уюшмасининг раиси Эсжон ака Эрхўжаевни терим қизғин бораётган далада учратдик. Унинг бугунги ташвиши ҳамманикидан ҳам ортиқ. Чунки пахтакор етиштирган ҳосил тарозига тушадиган масъулиятли давр келди. Бунинг учун ҳамма нарса шай бўлмоғи лозим. Терим айни қизиган пайтда у ёки бу соҳадаги камчилик терим суръатини сусайтириши мумкин.

Бунинг учун район раҳбарияти хўжаликлар билан бамаслаҳат муҳим тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришдилар. Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 65 фонзи ёки 15500 тоннаси машиналарда терилади. Бунинг учун 161 та терим машинаси ремонтдан чиқариб қўйилди.

— Йиллик планни 18 октябргача бажаришни мўлжаллаб турибмиз, — деди биз билан суҳбатда Э. Эрхўжаев.—Мен бу гапни кўрилган тадбирларга, қоларсак, пахтакорларимизнинг ғайрат-шижоатига қараб айтаяпман. Ҳар куни район хирмонига 110—120 тонна саноат ҳом ашёси тўкилмоқда. Охунбобоев, Ўзбекистон ССР 30 йиллиги, К. Маркс номли колхозларда уруғлик пахта экилган. Шунинг учун 6 минг тонна пахта қўлда териб олиниши керак.

Чинозликлар техникани азалдан шай тутишга одатланишган. Терим қизғин тус олган паллада керак бўладиган 44 та юклагич, 515 та тракторга тиркаб ишлатиладиган арава, 54 та ОВХ пуркагичлари терим бошланмасдан ҳозирлаб қўйилган эди. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмаган. Бу ерда пахтакорларнинг ҳордиқ чиқаришини яхши ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чинозликлар кўпдан бери ўзларининг саранжом-саришта дала шийпонлари билан ном чиқаришган. Пахта терими қизғин бораётган Навоий, К. Маркс, Охунбобоев ва Киров номли хўжаликларда бўлган киши бунинг яққол шоҳиди бўлади. Айрим кишилар: «Ёрлар бўлиб берилди, оила пудратига ўтилди, дала шийпонларининг аҳамияти қолмади», дейишаётганини эшитиб қоласиз. Чинозликлар қатъий туриб: — Йўқ, шийпонлар деҳқоннинг иккинчи уйи, ҳордиқ маскани, — дейишмоқда.

Тушлик бўлиши билан теримчилар шийпонга келишади. Уларни ошпаз опанинг ширин сўзи-ю иссиқ чойи, мазали таоми кутади, музика янграйди. Лозим бўлса дармондори қутисидан ҳам фойдаланилади. Пахтакорлар учун биринчи навбатда зарур бўладиган буюмлар, озиқ-овқатлар келтириб савдо қилинади.

Район матлубот жамияти савдо ишлари мудири Ж. Носиров терим вақтида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб берди:

— Ниятимиз теримчиларга муносиб хизмат кўрсатишдир. Саккизта кўчма дўкон дала шийпонларига график бўйича бориб савдо қилади. Октябрь районлараро базаси пахтакорлар учун камёб буюмлардан совғалар тайёрлаб қўйди.

Хўжаликлардаги мавжуд 57 та дала шийпонларининг ҳар бирига ўрта медицина ҳамшираси, ҳар бир хўжаликка эса битта врач бириктириб қўйилган. Бу ҳақда район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири А. Раҳматуллаев ҳикоя қилиб берди. Жойларда бўлганимизда район маиший хизмат кўрсатиш идорасининг беминнат хизматларидан кишилар мамнун эканликларини айтишди.

Аммо район маданият бўлими масъулиятли мавсумга етарли тайёргарлик кўрмади. Жойларда бўлиб пахтакорлар билан суҳбатлашганимизда бирон марта концерт ёки бошқа маданий кўнгилочар тадбирлар ўтказилмаганлигини эслатишди. Бўлим томонидан номигагига тузилган тадбирларга кўз югуртирсангиз, пахтакорларни хушнуд этадиган биронта аниқ гап йўқ. Нахотки, райондаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбллари иштирокида хўжаликларга бориб концертлар беришнинг имкони бўлмаса...

Навоий номли жамоа хўжалигининг М. Акромов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида қувонарли воқеаларнинг шоҳиди бўлдик.

Авжи туш пайти. Теримчилар бирин-кетин пахталарни тарозидан ўтказиб, эгат четига келтириб қўйилган араваларга тўкишмоқда.

— Кеча қанча пахта терган эдингиз? — сўраймиз ўзини Зокир Раимов деб таништирган йигитдан.

— 157 килограмм эди. Бугун ҳам кам бўлмайди,— мамнуният билан жавоб берди у.

Зокир турмуш ўртоғи Ҳуриниса билан 30 сотих ер олиб пахта экди. Оила пудрати шартномасига биноан улар 10 тонна пахта топширишлари керак. Ҳосил чўғи эса кўнгилдагидек.

Хўжаликда ҳар килограмм пахта учун 25 тийин ўрнига 30 тийиндан ҳақ тўланмоқда. Холниса Исроилова 6 кунда 800 килограмм пахта териб, 245 сўм ҳақ олди. Жамоада илғор теримчилар кўп. Олтиной Мирзабоева 140—150, Гавҳар Тожибоева 100—120 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритмоқдалар.

Хўжалик раҳбари Ҳ. Акромов таклифи билан ҳар бир шийпон учун 50 сотихдан ер ажратилиб, боғ қилинган эди. Боғдан чиққан ҳосилни пахтакорлар истеъмол қилишмоқда. Олма, шафтоли, сабзавот ва полиз маҳсулотлари туш вақтида теримчилар дастурхонига қўйилмоқда.

Теримни районда биринчи бўлиб бошлаган мазкур хўжаликда 280 теримчи кунига 24—25 тоннадан пахта теришмоқда. Аниқ ҳисоб-китоб билан ишлаётган азаматлар бу йил минг тонна ҳосилни қўлда, 1200 тоннасини эса машиналарда териб олишмоқчи. 690 гектар майдондаги пахтадан 35 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

— Техникадан унумли фойдаланишнинг вақти келди, — дейди Ҳ. Акромов. — Қўшни колхозда 20 та трактор бор. Бизда эса 8 та. Биз техникадан фойдаланиш коэффицентини 30 — 40 эмас, балки 70 фоизга оширдик. Бу деган сўз ортиқча маблағ техника учун банд бўлиб ётмайди. Фақат техника зиммасига юкланадиган иш кўпаяди, холос. Механизатор эса кўпроқ меҳнат қилиб, яхши ҳақ олади. Қ. Нуримов қўшаравада бир йўла 7—8 тонна пахтани заводга олиб боради. Ҳар тонна учун механизатор 1 сўм олади. Уч марта қатнаганда 21—24 сўм ишлаши мумкин.

— Пахтакорларни бундай рағбатлантириш хўжаликка оғирлик қилмайдими? — сўраймиз раисдан.

— Йўқ, албатта. Чунки биз пахтани ёғин-сочинга қолдирмай териб оламиз. Ҳосил эса фақат юқори навларга ўтади. Ўтган йили фақат толанинг сифати учун юз минг сўмга яқин қўшимча ҳақ олдик.

Навоийликлар ташаббуси бугунги кунда райондаги барча хўжаликлар учун ибрат бўлмоқда. Чунки омилкорлик билан амалга оширилаётган ҳар бир тадбир етиштирилган ҳосилни нестнобуд қилмай териб олишга, шу билан бирга меҳнат кишисининг моддий аҳволини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

Ғузор районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиғим-теримга бултургига нисбатан 15 кун эрта тушдилар. Ҳозир бу юмуш барча бригадаларда жадал бормоқда. Мусобақада теримчилар Бибихол Қодирова ва Бўстон Умбарова, механизаторлардан Бобоқул Тошпўлатов ва Эшонқул Нуралиев пешқадамлиқ қилаётирлар. Қабул пунктига кунига режага нисбатан 3—4 фоиз миқдорида хом ашё топширилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Кенжа Назаров (ўртада), илғор суворийлар Бобоқул Тошпўлатов ва Эшонқул Нуралиев. 2. Опа-сингил Бўстон ва Бибихол Қодировалар ҳар куни 140—150 килограммдан пахта теришаяпти. 3. Машина терими.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).



## ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

### ШОЛИ ХИРМОНЛАРИ

**«Олтинкўл» совхозининг механизаторлари биринчилардан бўлиб шоли йиғиштириб олишга киришдилар. Бу ерда олтита комбайн ишлаб турибди. Ундан кейин «Октябрь» совхозида ҳам ўрим машиналари шолизорларга олиб чиқилди. Қорақалпоғистоннинг 23 та ихтисослашган шоликор совхозларидан еттитаси ўримга киришди.**

— Ҳосил жуда яхши бўлди, — дейди мухтор жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ғалла экинлари бўлимининг бошлиғи Н. Тян. —Бу йил жумҳуриятимизда шолизорлар қариб 13 минг гектар камайтирилди, лекин шунга қарамай деҳқонларимиз камида 270 минг тонна шоли йиғиштириб олишмоқчи.

Бу асосан 66 минг гектар ерга экилган шолининг «Нукус-2» тезпишар навидир. Бу йил «Авангард» нави 4006 гектар, «Қорақалпоғистон» нави эса 4100 гектар ерни эгалладн.

Ҳосил ўримига амалда барча хўжаликлар пухта ҳозирлик кўришди: техника ремонти тугалланди, хирмонлар тайёрлаб қўйилди, тозалаш агрегатлари ишга шай бўлиб турибди, шошилинч техникавий ёрдам кўрсатадиган бригадалар тузилди. Энди асосийси етиштирилган ҳосилни 10—15 октябргача ўриб олишдан иборат. Чунки октябрь ойининг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда, ўрим чўзиб юборилдиган бўлса, ғалланинг анчагина қисми нобуд бўлиши мумкин.

### ФАҚАТ ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Олот департаментининг пахта далаларига бу йил четдан бирорта теримчи жалб этилмайди. Бу ерда ҳосилнинг ҳаммасини ўз кучлари билан, айни вақтда унинг 70 фоизини машиналар ёрдамида териб олишга қарор қилдилар.

Департаментда ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга пухта тайёргарлик кўришди. 230 та зангори кема, 52 та кўрак териш машинаси, 60 та кўрак чувиш машинаси ва қолган барча техника шай бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммаси хўжаликлар қўшимча равишда 6 миллион сўмга яқин фойда олишларини таъминлайди. Ҳосил узлуксиз равишда терилмоқда. Механизаторларнинг 32 та отряди ва 65 та звеноси икки сменада ишлайди. Бу ерда бунинг учун механизаторлар етарли.

(ЎзТАГ).

## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРЛАР

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу йил жумҳуриятимиз пахтазорларида мўл ҳосил етиштирилди. Энди ҳамма гап уни нест-нобуд қилмай, ёғинсочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишда. Халқимиз даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб, деб бежиз айтмаган.

Вилоят ва районлардан келаётган хат-хабарларда ҳосилни қўлда териш тобора кенг миқёсларни қамраб олаётганлиги, ғўзани баргсизлантириб, зангори кемаларни ишга туширишга ҳозирлик кўрилаётгани ҳикоя қилинмоқда. Жумҳуриятимиз ҳукуматининг қўлда терилган хом ашёнинг ҳар килограммига 25 тийин, машинада саранжомланган бир тонна пахтага 10 сўмдан бериш ҳақидаги қарори йиғим-теримни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Пахта йиғим-терими мавсумининг кўнгилдагидек бўлиши кўп жиҳатдан шу долзарб паллада эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва бошқа зарур ускуналарнинг ўз вақтида, етарлича етказиб берилишига, далада ишлаётганларга намунали савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатилишига боғлиқ. Ана шу тармоқларнинг ходимлари пахтакорларга кўмак беришга, мададкор бўлишга даъват этилганлар. Пахта териш машиналари, хом ашё ташиладиган тракторлар, автотранспорт воситаларига ёнилғи етказиб бериш масаласини олайлик. Маълумки, мамлакатнинг кўпгина минтақаларида нефть маҳсулотларининг тақчиллиги халқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай аҳвол пахта йиғим-терими пайтида юз бермайдими, мутасадди ташкилотлар ёнилғи билан етарлича таъминлай оладиларми? Шундай саволлар билан Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Давиденкога мурожаат этдик.

— Пахта йиғим-терими пайтида ишлатиладиган техника воситалари бензин, дизель ёнилғиси ва бошқа нефть маҳсулотлари билан юз фоиз таъминланади, — деди у. — Тармоқда юз бераётган қийинчиликлар қишлоқ меҳнаткашларининг ҳозирги тиғиз дамлардаги ишига таъсир этмаслиги учун зарур чоралар кўрилмоқда. Жумҳуриятимиз ҳукуматининг йиғим-теримга доир кўрсатмасидаги топшириқларни тўла адо этамиз. Сентябрь ойида ишлатиладиган ёнилғи етарли миқдорда олдиндан ғамлаб қўйилди.

Хом ашёни тайёрлов бўлинмаларига, пахта тозалаш заводларига ташиш юзасидан қандай тайёргарлик ишлари амалга оширилди, бу борада узилишларга, муаммоларга дуч келинмайдими? Мазкур саволга Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти вазирининг ўринбосари С. П. Василенко қуйидагича жавоб берди:

— Долзарб кунларда пахта ташийдиган бир ярим мингта махсус жиҳозланган транспорт воситасидан унумли фойдаланамиз. Уларнинг ҳаммаси ҳайдовчилар билан етарлича таъминланган. Йиғим-терим транспорт бўлинмалари, тайёрлов шохобчалари ҳамда пахта тозалаш заводлари билан келишиб, уларнинг иш маромига мослаган ҳолда фаолият юритамиз. Агар зарурат туғилса, тармоқдаги мавжуд 30 мингта юк машинасининг маълум қисмидан ҳам пахтани ташишдан фойдаланамиз. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги автотранспорт корхоналари пахта йиғим-терими мавсумига пухта ҳозирлик кўрдилар. Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги бўлинмаларимиз бу борада бироз оқсашди. Кўп ўтмай улар ҳам тайёргарликни якунлашади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, барча автокорхоналар зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминланди.

Ҳозирги пайтда ҳайдовчилар ўртасидаги меҳнат беллашувининг моҳияти тобора кўпроқ иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Мусобақа якунлари ҳар ойда чиқарилиб, унинг ғолиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Меҳнат беллашуви ғолибларини аниқлашда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бирга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш сингари масалалар атрофлича ҳисобга олинади.

Кенг истеъмол буюмларининг тақчиллигини мумкин қадар камайтириш, шундай ҳолат одамларнинг кайфиятига, йиғим-терим суръатига таъсир этмаслиги учун қандай тадбирлар кўрилмоқда? Бу саволга жавоб олиш учун жумҳурият савдо вазири М. З. Усмонов имзоси билан чиқарилган буйруқ билан танишиш, шу идорада ва унинг бўлинмаларида адо этилаётган чоралардан воқиф бўлиш кифоя. Барча вилоятларнинг савдо ва умумий овқатланиш бошқармалари раҳбарлари зиммасига йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилишини ва одамларга яхши хизмат кўрсатишни таъминлаш вазифаси юклатилган. Жумҳуриятимиз улгуржи-савдо ташкилотларида етарли миқдорда иссиқ кийим, хўжалик моллари ва бошқа буюмлар ғамланаяпти. «Узмясомолторг» ва «Узоптобакалея» идораларига сентябрь-ноябрь ойларида пахтакорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан матлубот жамиятлари фонди ҳисобидан таъминлаш юзасидан топшириқ берилди.

Бутун жумҳуриятимиз ҳаётида энг долзарб мавсум— пахта йиғим-терими қизиб бораяпти. Ана шундай масъулиятли дамларда азамат пахтакорларга, тайёрлов бўлинмалари ва пахта тозалаш саноати ходимларига мададкор бўлиш, уларга кўмаклашиш, руҳини кўтариш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Л. СОН,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

**Жумҳуриятда вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг борши тўғрисида шу йил 12 сентябрга бўлган**

### МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жиззах | 137 | 9,9 | 77,0 |
| Сурхондарё | 110 | 6,0 | 59,6 |
| Тошкент | 121 | 10,3 | 58,2 |
| Самарқанд | 100 | 8,9 | 55,2 |
| Сирдарё | 152 | 9,6 | 53,7 |
| Қашқадарё | 183 | 8,4 | 53,1 |
| ҚҚАССР | 120 | 9,8 | 41,0 |
| Андижон | 110 | 9,5 | 35,5 |
| Бухоро | 115 | 6,6 | 33,5 |
| Хоразм | 70 | 6,6 | 30,0 |
| Фарғона | 90 | 6,7 | 28,7 |
| Наманган | 73 | 7,4 | 27,9 |
| Жумҳурият бўйича: | 1381 | 8,5 | 48,5 |

*Олий мактаб ва ҳаёт*

# МУТАХАССИС ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Тошкент машинасозлик институтининг ректори, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жумҳурияти Беруний номидаги Давлат мукофотининг соҳиби, хизмат кўрсатган фан арбоби Н. Р. ЮСУФБЕКОВ «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири саволларига жавоб беради**

**— Нодирбек Рустамбекович, сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент машинасозлик институти жумҳуриятимизнинг энг кенжа олий ўқув юрти. «Қишлоқ ҳақиқати» муштарийларига ана шу билим даргоҳи, унинг профессор-ўқитувчилар жамоаси олдида турган асосий вазифалар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Халқ хўжалигида машинасоз-инженер кадрларга талаб-эҳтиёж тобора ўсиб бораётгани, уларни тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим бўлиб қолгани учун ҳам иттифоқ ва жумҳурият Вазирлар Кенгашларининг махсус қарорларига мувофиқ ана шундай олий ўқув юрти ташкил топди. У Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг механика, самолётсозлик, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, бошқарувнинг автоматлашган системаси факультетлари негизида пайдо бўлди.

Бу йил мустақил институт сифатида иш бошладик. Кундузги ўқишга 1 040, кечки ва сиртқи бўлимларга эса бир мингга яқин йигит-қизни қабул қилдик. Эндиликда институтимиз талабаларининг сони жами 16 минг нафарга етди. Мингга яқин профессор ва ўқитувчи уларга таълим-тарбия бераяпти.

1 сентябрдан механика, технология, конструкторлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, электрон асбобсозлик, гуманитар фанлар ҳамда олий ўқув юртига тайёрлаш факультетлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари Наманганда институтимизнинг филиали бўлиб, у ерда техника билим юртларида дарс берадиган муаллимлар тайёрланади.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб берай. Шу йил июнь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида таъкидланганидек, ҳозирги шароитда самарали ҳаракат қилиш учун бозор муносабатларида тўғри йўл танлашга, жумҳуриятнинг сиёсатини фаоллик билан ўтказишга қодир юқори малакали мутахассислар керак. Ана шу талаб олдимизда турган асосий вазифалар йўналишини белгилайди.

Тошкент машинасозлик институти маориф, фан ва маданият маркази, узлуксиз таълим бериш системасининг муҳим таркибий бўғинидир. Менга қолса, ишимизнинг бош йўналишларини қуйидагича талқин этган бўлардим. Булар:

— шахснинг маърифий, маданий ва руҳий-маънавий камолотга эришувини таъминлаш, касб-ҳунар маҳоратини пухта эгаллаш ва такомиллаштириб бориш учун зарур шарт-шароит вужудга келтириш;

— юксак маданиятли, ўз касбининг сир-синоатини яхши эгаллаган ва ғоявий-сиёсий етук мутахассислар тайёрлаш, халқ хўжалигининг техник олий маълумотли кадрларга талаб-эҳтиёжини қондириш;

— ўқув жараёни билан уйғун равишда халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган чуқур амалий-илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш;

— олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ўқув юртлари муаллимлар таркибининг билим савиясини ошириш;

— халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб турган мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш;

— аҳоли ўртасида иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ҳамда бошқа илмий-сиёсий билимларни кенг ёйиш, одамларнинг умумий таълим ва маданий даражасини ошириш.

Ҳозирги пайтда бутун диққат-эътиборимиз ана шу йўналишларга мослашишга, белгиланган режаларни изчил рўёбга чиқаришга қаратилган. Амалдаги ўқув йилининг ўзидаёқ ҳозирги талабларга мувофиқ тарзда мутахассислар тайёрланадиган янги факультетлар ва бўлимлар очиш, мавжудларининг иш соҳасини ўзгартириш кўзда тутилмоқда.

Бозор иқтисодиётига тайёргарлик кўрилаяпти. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолат ишимизни маълум даражада қайта қуришимизни талаб этади. Ҳозир халқаро иқтисодий муносабатлар, жумладан халқаро маркетинг, валюта алоқалари, ташқи иқтисодий фаолият, бошқарув (менежмент) бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳақида ўйламоқдамиз. Жумҳуриятнинг машина-асбобсозлик комплекси учун менежмент (бошқарув), маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият факультети очилади.

**— Маълумки, Ўзбекистон жумҳурияти шу пайтга қадар марказга, узоқ-яқин минтақаларга хом ашё етказиб берувчи ўлка бўлиб келди. Эндиликда эса иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенликка ўтилаяпти. Демак, хом ашёнинг асосий қисмини қайта ишлаш ўз зиммамизга тушади. Бунинг учун эса тегишли машинасозлик корхоналарига, етук, билимдон мутахассисларга эга бўлишимиз керак. Институт бу вазифани ҳал этишга қандай ҳисса кўша олиши мумкин?**

— Саволингизга қисман жавоб бериб ўтдим. Чунки билим даргоҳимиз олдида турган ва юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг бажарилиши умуман жумҳуриятимизда машинасозлик тармоғининг сифат жиҳатидан янги поғонага қўтарилиши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳом ашё тайёрлаб берувчи ўлкадан саноати замонавийлашган, халқ хўжалигининг қайта ишлаш тармоқлари юксак даражада ривожланган мамлакатга айланадигани қунлар узоқ эмас. Бундан ташқари қайта ишлаш корхоналари ҳамда бирлашмаларини қуриш, тармоғини кенгайтириш шунга мувофиқ тарзда ижтимоий-маиший инфраструктурани ривожлантиришга ёрдам беради, оқибат-натижада жумҳурият аҳолисининг умумий маданияти юксалишига олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодий мустақил бўлаётган экан, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлайдиган бизнинг олий ўқув юртимиз биринчи галда ўлкамиз учун анъанавий ҳисобланиб келган соҳалар учун юксак малакали миллий кадрлар етказиб беришга эътиборни қаратиш керак, деб ўйлайман. Бу ерда мен пахта териш ва пахтани қайта ишлаш машинасозлиги, озиқ-овқат, гўшт-сут, кимё саноати учун янги турдаги машиналар ва ускуналарни яратишни назарда тутмоқдаман.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугун, айниқса эртага мазкур тармоқларни электрон асбобсозлик ва машинасозлик, бошқарувнинг автоматлашган системаси сингари истиқболли йўналишларда эришилаётган ютуқларни қўлланмасдан туриб тараққий эттириб бўлмайди.

Жумҳуриятимиз ҳозирги пайтда «Алгоритм», «Машхлопок», «Зенит», «Средазхиммаш», «Электрохимпром» сингари замонавий ва қудратли, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари жаҳон стандартларига мувофиқ келадиган заводлар ва бирлашмаларга эга. Ана шу корхоналарнинг кўпчилиги ўқув даргоҳимизда янги ташкил этилган электрон асбобсозлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда конструкторлик факультетларининг талабалари ўқитиладиган база ҳисобланади, бинобарин, бир қатор кафедраларимиз мазкур завод ва бирлашмалар ҳудудларида жойлашгандир.

Тошкент машинасозлик институти айни пайтда тажриба-ўқув ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. Ў билим бериш ва касб ўргатишнинг уч поғонасини ўз ичига олади. Бу мактаб (махсус ҳунар-техника билим юрти, техникум) — институт — ишлаб чиқаришдан иборат занжирдир. Ўйлаймизки, таълим-тарбия жараёнини ана шу тарзда ташкил этиш олдимизга қўйилган вазифаларни бир қадар муваффақиятли бажаришимизга имкон беради. Биз кадрлар тайёрлашни мактабдан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Техникага, хусусан, машинасозлик соҳасига қизиқувчан, иқтидорли болаларни танлаб, улар билан астойдил иш олиб борамиз. Ҳунар-техника билим юртини муваффақиятли битирган ёшларни техникумга, техникумда яхши ўқиганларни эса институтга имтиҳонсиз қабул қилишни йўлга қўймоқчимиз. Ҳар бир йигит ёки қиз олий маълумотли бўлиб чиқиши учун саккиз йил талаб этилади: ҳунар-техника билим юртида икки, техникумда икки ярим, институтда эса уч йил ўқийди.

Бундан ташқари ўқув даргоҳимизда малака ошириш институти ҳам ишлаб туради. Халқ хўжалигида беш-ўн йил ишлаган мутахассислар бизга яна қайтиб келиб, маълум муддат ичида фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқлари, бошқарувнинг илғор шакл ва усулларини ўзлаштиришади, билимларини бойитишади.

**— Иттифоқимизда, жумладан жумҳуриятимизда фан-техника тараққиёти кўпгина мамлакатлардагидан анча орқада қолган. Институтнинг жамоаси ана шу фарқнинг ўрнини тўлдириш учун қандай режаларни амалга ошириш ниятида?**

— Бу фикрга қисман қўшиламан. Илмий ғояларни амалга оширишга келганда, дарҳақиқат, шундай. Ҳозирга қадар ишлаб чиқариш янгиликларга ўч, уни тездан қабул қилиб олади, деб айта олмаймиз. Корхоналарнинг замонавий техника ва технологияни жорий этишдан манфаатдорлиги шу пайтгача таъминланмай келди.

Гап бизнинг назарий-илмий ечимларимиз ҳақида борар экан, шуни тўла ишонч билан айта оламанки, улар етарли даражада юқори қийматга эга. Тошкент машинасозлик институти олимларининг ишланмаларига Япония, Ҳиндистон, Юнонистондаги бир қатор фирмалар катта қизиқиш билан қарашаётгани шундан далолат. Янги композицион материаллар ва уларни олиш технологияси, материалларни майдалаш технологияси ва ускуналари, ўта қаттиқ қирқувчи асбоб, қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларига ишлов беришнинг физик усуллари ҳамда бошқа қўплаб янги технологияларга хорижда эътибор ва талаб кучли.

**— Қишлоқдан ўқишга келган йигит ва қизлар шаҳарликларга нисбатан бирмунча бўш бўладилар. Бу ҳеч кимга сир эмас. Мана шу камомаднинг ўрнини қоплаш, уларни ҳам пухта билимли қилиш учун қандай чоралар кўрилади?**

— Афсус билан таъкидлаш керакки, ҳозир ана шундай муаммо мавжуд. Масалан, бу йил ўқишга кириш учун жами 3.043 та ариза тушди, шундан 1.514 таси қишлоқ ёшларидан. Талабаликка 1.040 нафар одам олган бўлсак, 498 тасигина қишлоқ йигит ва қизларидир. Мавжуд муаммони ҳал этиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади. Биринчидан, «Тошкент машинасозлик институти» тажриба-ўқув ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи махсус ҳунар-техника билим юртларига қишлоқ ёшларидан кўпроқ жалб этилади, чунки уларда институт йўналишида кадрлар тайёрланади, таълим-тарбия ишларига етакчи олим ва мутахассисларимиз жалб этилади. Бинобарин, махсус ҳунар-техника билим юртларини муваффақиятли битирган йигит ва қизлар институтга имтиҳонсиз қабул қилинадиган бўладилар. Иккинчидан, ТМИ ҳузурида қишлоқ мактабларининг қобилиятли ўқувчилари учун мактаб-интернатлар очилади. Учинчидан, қишлоқ жойлардан фан олимпиадалари шаклида барвақт кириш имтиҳонлари ўтказилади. Тўртинчидан эса институтимиз факультетлари йўналишида ихтисослашган мактаблар ишлаб туради. Ҳозирча пойтахтдаги 41-мактабда ана шундай синф ташкил этишга муваффақ бўлдик. Машинасозликка қизиққан болаларни шу ерга йиғиб, ўқитмоқдамиз. Улар ўқишни битиришгач, муаллимлар тавсиясига биноан институтга имтиҳонсиз қабул қиламиз. Эндиги вазифа бу тажрибани жумҳуриятнинг ҳамма областларига ёйишдан иборат. ТМИнинг самолётсозлик факультетида бу йил сайёр авиация ва космонавтика мактаби ташкил этилди. Бундан ташқари институтимизнинг ижодий гуруҳи яна бир қатор қизиқарли ғояларни илгари сурмоқчи.

**— Машинасозликка онд дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дастурлар ва ҳоказолар асосан рус ча. Мана энди ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Шунинг учун дарслар ўзбек тилида олиб борилса керак. Дарсликлар, қўлланмалар ва дастурларни она тилимизга агдариш, ўзбек йигит ва қизларига ўқишни осонлаштириш учун бирон-бир иш қилинаяптими?**

— Тошкент машинасозлик институти ташкил этилган пайтдан бошлаб ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилаяпти. Тўғри, дастлаб анча қийналдик, чунки талабаларни ўзбек тилидаги дарсликлар ва методик қўлланмалар билан таъминлашда кўп қийинчиликлар рўй берди. Ҳозирги пайтда мавжуд муаммолар бирин-кетин ҳал этилмоқда. Институтимиз олимлари ва муаллимларидан иборат муаллифлар гуруҳлари ўзбек тилида бир қатор атамалар луғатлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашди, баъзилари шу йилиёқ нашр этилади. Масалан, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича қисқача луғат, машинасозлик атамалари луғати, конструкция материаллари технологияси бўйича дарслик ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Агар тегишли нашриёт ва матбаачилик базасига эга бўлганимизда эди, бу муаммо тўлиқ ҳал этиларди. Бироқ жумҳурият ҳукуматида ана шу масала ҳанузга қадар ўзининг ижобий ечимини топгани йўқ.

Олий ўқув юртимиз мустақил институт сифатида эндигина тетапоя қилаяпти. Олдимизда турган вазифалар ҳам, муаммолар ҳам, қийинчиликлар ҳам кўп. Уларни бирин-кетин ҳал қилиб бориш, халқ хўжалиги учун юксак малакали, билимдон мутахассислар тайёрлаб бериш бурчимиз эканлигини бутун масъулият билан чуқур англаб турибмиз.

**Суҳбатдош:**
**Тоҳир МИРҲОДИЕВ.**

*Президент фармонига мувофиқ*

# ҲАМЁНГА БАРАКА

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув масканлари ва ҳунар-техника билим даргоҳлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисидаги фармонини жумҳуриятимиз илм-фан аҳли — мударрис ва муаллимлар, талаба ва ўқувчилар мамнуният билан кутиб олдилар.

Зеро шарқнинг Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларини яратган диёримизнинг фан соҳасидаги муҳим ютуқлари узоқ йиллар давомида Оврупа қанотининг соясиостида қолиб кетди. Янги олиму фузалоларни тарбиялаш иши эса ундан манфаатдор бўлмаган шахслар ихтиёрида бўлди.

Бунинг устига олий ўқув юртларида фанимиз тараққиётининг зиёнига қаратилган қаллоблик — порахўрлик ҳам кўп зарар келтирди. Ўқишга кириб олган «бели бақувватлар»нинг илм ёнғоғини чақишга тиши ўтмади, тиши ўтадиганларнинг моддий аҳволи бардош бермади. Шунинг учун ҳам Президентимиз фармони истиқболни кўзлаб, ёшлар ҳақида қилинган ғамхўрлик намунаси бўлди. Суҳбатдошларимиз бу ҳақда мамнуният билан гапирдилар.

**Алишер УМАРАЛИЕВ — Фарғона давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди:**

— Халқ бахт-саодати йўлида қўйилган ҳар бир қадам муқаддас ва таҳсинга лойиқ. Айниқса, толиби илм йигит ва қизларнинг ўқиш ва яшаш шароитини яхшилашга доир ишлар хосиятли.

Президентимизнинг фармонига мувофиқ 1990—1991 ўқув йилида аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини оширишга қарийб 90 миллион сўм ажратилишини эшитиб, бошим осмонга етди.

Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, аспирантлар стипендияси ўртача 180 сўмгача, педагогика олийгоҳлари талабаларини 60 сўмгача, техник, тиббий ва бошқа олий ўқув юртлари студентларининг стипендияси 55 сўмгача, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари оладиган пул 40—45 сўмгача ошади. «Яхши» ва «Аъло» баҳоларга ўқийдиганларга қўшимча моддий маблағ берилади. Аълочиларнинг стипендияси 78—87 сўмни ташкил этади.

Ҳамма нарса қимматлашиб бораётган ҳозирги шароитда талабалар стипендиясига 30 фоизгача қўшилиши уларнинг турмушини яхшилашга хизмат қилади. Демак, улар тирикчилик учун жисмоний меҳнат қилиб пул топиш ўрнига ўша вақтларини илмга сарфлайдилар, натижада билимлари пухтароқ бўлади. Бундан фанимиз ютади.

**Қурбон ЖУМАНИЁЗОВ — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг 4-курс талабаси:**

— Президентимиз фармони чиққан куни олийгоҳимизга кираверишда жуда ҳам гавжум бўлди. Эрталаб осиб қўйилган «Чақмоқ» деворий газетамизда: «Талабалар жамоаси Ўзбекистон ССР Президентининг фармонида ўз ифодасини топган студентлар ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишни таъминлаш юзасидан кўрсатилган ғамхўрлик учун жумҳурият ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирадилар. Ўз ихтисосий тайёргарлигимиз сифатини ва ижтимоий-фуқаролик фаоллигимиз ҳамда онгимизни ошириш учун бутун кучғайратимизни сарфлаймиз», деган юрак сўзларимизни ёзиб қўйган эдик.

Шахсан ўзим фармондан жуда хурсандман. Чунки кўпчилигимиз стипендияга яшаймиз, бошқа даромадимиз йўқ. Яширишнинг ҳожати йўқ, маърузалардан бўш вақтда мардикорчилик қилиб, беш-ўн сўм ҳалол пул топадиганлар ҳам талабалар орасида оз эмас. Ўйлайманки, энди оладиган стипендиямиз учма-уч бўлса ҳам тирикчиликка етади.

**Назрулла АЗИМОВ — Тошкент халқ хўжалиги институти план-иқтисод факультети талабаси:**

— Мен Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ноҳиясиданман. Оиламиз чорвачилик билан шуғулланади. Эрта баҳордан то кеч кузгача совхознинг қўй-қўзисини боқамиз. Кундалик эҳтиёж моллариини ҳам кўпинча яйловга етказиб беришади. Бизнинг томонлардан пойтахтга келиб ўқийдиган ёшлар жуда камчиликни ташкил этади. Бунинг сабаби шуки, Тошкентдек шаҳри азимда стипендия билан яшаш осон эмас.

Стипендиямизни 30 фоиз ошириш ҳақидаги фармон бошқа тенгдошларим қатори мени ҳам хурсанд қилди. Ахир, «арғамчига қил қувват» дейишадику!

Мазкур фармон 390 минг нафар аспирант, студент ва ўқувчилар бюджетига барака киритади. Уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва энг зарур манфаатларини кўзлаб чиқарилган фармон фанимиз истиқболи, халқ хўжалиги тармоқларининг мутахассислари тақдирида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

**О. НОДИРОВ.**

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг иккинчи иш куни халқ депутатларини шу заҳотиёқ жамиятимиз олдида турган энг муҳим муаммо бўсағасига етаклаб келди. Парламент палаталарининг эрталабки қўшма мажлисида СССР Президенти М. С. Горбачев қатнашди. Мажлис бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ягона умумиттифоқ дастурини тайёрлаш ҳамда халқ хўжалигини барқарорлаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан бошланди. Мазкур масала юзасидан СССР Министрлар Кенгашининг раиси Н. И. Рижков маъруза қилди.

Халқ депутатлари маърузани эшитиб бўлганларидан сўнг ҳукумат бошлиғи саволларга жавоб қайтарди. Бироқ ана шу анъанавий маросим ўн минутча вақтни эгаллади. Уни ўзини таништирмаган депутатнинг кескин лўқмаси тўхтатиб қўйди. Бу депутат «ёзма ҳужжатнинг йўқлиги» — депутатлар корпусига шунчаки ҳурматсизлик эмас, балки ҳукумат дастурининг ўзи йўқлигини билдиради, деб айтди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу дастур «уйдирма бўлиб чиқди». Депутат вақтни бекорга кетказмасликни ва Президентлик Кенгашининг аъзоси С. С. Шаталин сўзлаши учун минбарни бўшатиб беришни, унинг таъбири билан айтганда, бозорга ўтишнинг аниқ-равшан программасини тезда муҳокама қилишга киришишни таклиф этди.

Депутат А. А. Згерская-Ярошинская Олий Совет аъзоларининг қўлида иккала дастур — ҳукуматнинг дастури ҳам, муқобил дастур ҳам пайдо бўлмагунича масалани муҳокама қилишни кечиктириш кераклигини айтди.

Мен ҳукумат қилган ишлар тўғрисида айтиб беришим шарт эди, деди бунга жавобан Н. И. Рижков. — Келинглар, ҳозирча у концепцияни, бошқа концепцияни ҳам муҳокама қилмайлик, умумий ҳужжатни кутсак тўғрироқ бўлур эди.

Бундай дастур, деб таъкидлади шундан кейин сўз олган М. С. Горбачев, бугун тугалланди, эртага кўпайтирилади ва депутатларга берилади. Ҳар икки дастурни бирлаштириш йўлидан борар эканмиз, деб сўзида давом этди у, биз Президентлик Кенгаши ва Федерация Кенгашининг қўшма мажлисида эришилган аҳдлашувга амал қилдик.

Давлат бошлиғининг тушунтириши залдаги кескинликни пасайтирмади. Раислик қилувчи А. И. Лукьяновнинг эҳтиросларни тўлқинини пасайтиришга вазминлик билан ҳаракат қилганлигига қарамай, ҳаяжонлар тўлқини босилмади. Депутат Г. С. Игитян, масалан, СССР Президенти нутқ сўзлаб жамият ва мамлакатдаги вазиятга батафсил баҳо бериши зарурлигини талаб қилди. Залда шовқин-сурон тобора кучайиб борарди, ўнлаб депутатлар микрофонлар олдига келиб навбатга турib олишганди.

М. С. Горбачев нутқ сўзлаётган вақтдагина залга жимлик чўкди. Шундан кейин яна мунозаралар авжига чиқди.

Мамлакат халқ хўжалигини барқарорлаштиришга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Олий Советнинг топшириқларини ҳукумат қандай бажараётганлиги тўғрисида СССР Министрлар Кенгашининг маърузасини маълумот учун қабул этишга қарор қилинди. Сессия шу масала юзасидан СССР Президенти ўзи раҳбарлигида тайёрланган таклифлар ва бошқа материалларни тақдим этганидан кейин уларни Олий Совет комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида, шунингдек иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг Олий Советларида, мухтор вилоятлар ва мухтор округларнинг қонун чиқарувчи органларида кўриб чиқиб, сўнгра иттифоқ парламентининг ялпи мажлисида муҳокама қилишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу ишни тугаллаш муддати — шу йилнинг 1 октябри деб белгиланди.

Кечқурун Форс қўрфазидаги тангликнинг ривожланиши тўғрисидаги ва мана шундай вазиятда Совет Иттифоқининг ҳаракатлари ҳақидаги, олий даражада Хельсинкида ўтказилган Совет—Америка учрашувларининг якунлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. СССР Президентининг топшириғига биноан бу мавзуда СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе сессияда ахборот берди.

Қабул қилинган қарорда Олий Совет Ироқнинг Қувайтга қарши агрессияси муносабати билан Совет давлати раҳбарияти тутган позицияни қўллаб-қувватлашини маълум қилди ва СССР билан АҚШ президентларининг Хельсинкидаги қўшма баёнотини маъқуллади. Олий Совет СССР ташқи ишлар министрлиги халқаро ишлар комитетига ва умуман Олий Советга Форс қўрфази районидаги вазиятнинг ривожланиши ва бу ердаги тангликни сиёсий йўл билан бартараф этишда Совет томонининг иштироки ҳақида мунтазам ахборот бериб туришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

СССР Олий Совети IV сессиясининг навбатдаги ялпи мажлиси 17 сентябрь куни бўлади. Унгача депутатлар комитетлар ва комиссияларда ишлайдилар.

# Ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда

## Ўзбекистон касаба уюшмаларининг съезди

11 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг навбатдан ташқари съезди иш бошлади.

Мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жуда катта ўзгаришлар ушбу анжуманнинг муддатидан илгари ўтказилишини тақозо этди. Бундай вазиятда касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятининг ягона йўлини ишлаб чиқиш ниятидадирлар. Тармоқ касаба уюшмаларининг бўлиб ўтган съездларида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, ўқув муассасалари тармоқлари ходимларининг мустақил касаба уюшмалари тузилди. Бу галги жумҳурият съездида улар Ўзбекистон ССЖ касаба уюшмалари федерациясига бирлашиш ниятидадирлар.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини сайладилар, кун тартибини тасдиқладилар. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIII ва XIV съездлари оралиғида Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг иши тўғрисидаги ҳисобот, ҳозирги шароитда жумҳуриятнинг касаба уюшмалари кенгашининг фаолияти ва Ўзбекистон касаба уюшмаларини янгилаш йўллари ҳақидаги маъруза муҳокамага қўйилган. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш, дастурий ҳужжатларни, ташкилий масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилган.

Съездда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов маъруза қилди.

Касаба уюшмалари жумҳуриятимизнинг энг кўп сонли жамоат ташкилоти бўлиб, унинг сафларида 7 миллиондан ортиқ киши бор. Меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган касаба уюшмалари раҳбарликнинг марказлашуви ва маъмурий буйруқбозлик усуллари юзага келган шароитда ўз вазифаларини тўла даражада бажара олмадилар. Улар бугунги кунда ўз зиммаларидаги вазифаларни қайтадан мушоҳада қилмоқдалар, мустақилликка эришиб, ташаббус билан ишлашни хоҳламоқдалар. Жумҳуриятимизда ва мамлакатимизда бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бериш заруратти пайдо бўлди, у инсонга юз буриши, одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириши, аҳолининг кам таъминланган тоифаларига қатъий кафолатлар яратиши шарт бўлиб қолди. Ана шу ниҳоятда мураккаб масалаларни ҳал этишда касаба уюшмалари зиммасига катта вазифа юклатилади.

Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишини ўткир муаммолар тўлқинлантирмоқда. Ўзбекистон табиий хом ашё ва меҳнат ресурсларига жуда ҳам бой. Шунга қарамай, у жон бошига иҳтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда ўн иккинчи ўринни эгаллайди. Бизда аҳоли жон бошига миллий маҳсулот ишлаб чиқариш умумиттифоқ даражасидан икки баравар паст. Бунинг сабабларидан бири шундаки, жумҳуриятимиз узоқ вақт мобайнида мамлакатнинг хом ашё етказиб берувчи қўйруғига айланиб қолган эди. Иқтисодий қийинчиликлар ишсизликни келтириб чиқарди, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашишига сабаб бўлди. Экология муаммоси ўткир бўлиб турибди. Кейинги вақтларда армияга қарши кайфиятлар кучайди.

Бозорга ўтиш шароитида меҳнаткашларни, айниқса аҳолининг кам таъминланган табақаларини иҳтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиётига онгли равишда, умуммиллий тотувлик асосида ўтилиши, одамлар бу қарорни қабул қилар эканлар, унинг оқибатларини билишлари керак. Аҳолини бозорнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қиладиган қонун ҳужжатлари лозим.

Янгича шароитда олға қараб силжиш учун барча жамоат ташкилотларининг қучғайратини бирлаштириш жуда зарур бўлиб турибди, деб таъкидлашди нотиқлар. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳуриятимиздаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил этиб берди, тангликка олиб келган сабабларни очиб ташлади, бундай аҳволдан қутулиш йўлларини белгилади. Партия билан касаба уюшмаларининг тенг шерикчилик асосида баҳамжиҳат ҳаракатларининг янги принциплари аниқлаб олинди.

Касаба уюшмаси съездининг делегатлари касаба уюшмаларининг янгича шароитда ташкилий жиҳатдан тузилишига катта эътибор бердилар.

Съездда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари съезди Ўзбекистон ССЖ Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари, жумҳурият давлат план комитети раиси Б. С. Ҳамидовнинг иттифоқ шартномасига тайёргарлик кўриш ва жумҳуриятнинг бозор муносабатларига ўтиши тўғрисидаги ахборотини тинглаб, муҳокама қилди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССЖ Министрлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Совети раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, ВЦСПС котиби В. М. Мишин қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

**(ЎзТАГ).**

# КИНДИК ҚОНИ ТЎКИЛГАН ЖОЙ

ОЧЕРК

## I.

Чошгоҳ пайти. Сой ёқалаб ўтган асфальт йўлда сутдек «Волга» оҳиста юриб келарди. Олдинда ҳам, ортда ҳам на йўловчи, на бирон машина кўринмасди: атроф кимсасиз, йўл очиқ, бўм-бўш эди, аммо ҳайдовчи сира шошмай, тезликни оширмай машинани бир маромда юргизиб келмоқда эди. Унинг эгнида бўзранг каламинка китель-шим, бошида қизил юлдузли шапка. Кенг манглайли, қирра бурун, қора мағиз юзли, кулгиси чеҳрасига ярашган қирқ беш ёшлардаги хушбичим бу киши олис-олисларга синчковлик билан нигоҳ ташлаб қўяр, ёнида ўтирган енги калта банорас атлас кўйлакли, сочини силлиқ тароқлаб, қамчидек ўриб елкасига ташлаган, ширмой юз, обрўкамон, дўндиққина аёлга йўл-йўлакай кўрган-билганларини сўзлаб келарди. Сой бўйи кўз қувнар маскан эди: ўнг томонда туяўркач паст-баланд, сарғиш, қўнғир тоғлар, чап томонда харсангларга урилиб кўпирган шўх сой шовулларди. Қияликларга ястанган ўрикзорлар, ёнғоқзорлар ортида гоҳ-гоҳ оқиш иморатлар кўзга ташланади.

«Волга» асфальт йўлдан сув лабига бурилди. Баҳайбат кекса ёнғоқ тагига келиб тўхтади.

Ҳайдовчи шапкасини ечиб, ўриндиққа қўйди-да, машинадан тушди. У оҳиста юриб ёнғоқ тагига келди, икки кафтини дарахтнинг дағал, ғадир-будур танасига босиб, уни оҳиста силади. Пастда сой ястаниб оқар, олис нариги қирғоқда тўда-тўда болалар қийқиришиб, бир-бирларини сойга судраб чўмилишмоқда эди. Ҳайдовчи уларга кўз қирини ташлаб, чуқур хўрсинди, сўнг машинадан тушиб, ёнига келиб турган аёлга юзланди:

— Болалигим шу ерда ўтди, — деди у гўё ўз-ўзига сўзлаётгандай паст овозда. — Шўхликларим шу сойга оқиб кетди.

— Ўксинманг, ҳаммаси оқиб кетмагандир, шўхликларингиз ҳали бор, — аёл жилмайиб эркак кифтини эркалаб сийпаб қўйди. Ҳамроҳи завқ-шавқ билан гапга берилди:

— Ҳов, баланддаги уч айри шохни кўраяпсизми? Тепадагиси, ҳа, ўшани Кавказ чўққиси дердик. Энг баланддаги айланма шохга қаранг-а, уни — Помир дердик. У ерга чиққан киши дунёни кўради, дердик. Чап томонда, эҳ, афсус, Ҳимолай шохи бор эди, синиб тушибди. Помир чўққисидан сойга ёлғиз мен сакрай олардим. Бошқаларнинг юраги дов бермасди.

— Парашютдан сакрашни шу ерда машқ қилган экансиз-да.

— Ҳа. Шу сойда! Тўрт мучалим соғ бўлгани учун сўлим сойдан умрбод миннатдорман. Лекин бу ерда шўхликларим учун онамдан кўп таёқ еганман. Ахир, баъзан қишда қор ёғиб турган кунларда ҳам чўмилишни канда қилмасдик. Эҳ, болалик — подшолик. Ҳов, баччаларни кўраяпсизми? Маза қилишаяпти.

— Чўмилгингиз келаяптими?

— Жуда! Афсус, сойда сув оз. Боз устига ёшинг ўтгач, киши истиҳола қиларкан. Ўша пайтларда сиз қўлимга тушмагансиз-да. Сойга роса шўнғитардим.

— Армонингиз борми? Бошқаларни сувга босгандирсиз.

— Армоним йўқ. Шунчаки болаликни эсладим, холос.

— Кундошимни кўрсатасизми?

— Кўрсатаман. Лекин у амалдаги эмас, хаёлдаги кундош. Тағин юмдалашиб юрманглар. Кундошлар бир-бирига пахта отади.

## II.

— Ўлимманми, фарқига бормай?! Шунчаки-да. Ҳар кимнинг ўз бахтини берсин. У бахтиёрми?

— Ким билади. Балки бу саволни унинг ўзидан сўрарсиз.

— Сира кераги йўқ.

— Менга бўлган ишончингиз учун раҳмат! Қани юрдик.

Улар машинага ўтиришди. «Волга» сой бўйлаб бир оз юргач, чап томонга, қия кўтарилиб ўтган тош йўлга бурилди. Кўча тор, нотекис эди. Икки ёнида тор ариқларда шилдираб сув оқар, пастак деворлар пойида ястанган кекса ўриклар, ёнғоқ дарахтларининг шохлари ишкомдек бир-бирларига чирмашиб кетганди. Дарахтлар сийраклашди. Кўча кенгайиб, ёришгандай бўлди. Ўнг томонда катта тут тагида бир киши тахта ўриндиқчада ҳассасини даҳанига тираб мудраб ўтирарди. Эгнида оқ иштон, кўйлак ёқаси, олди очиқ, катта қизғиш қорни тандирдай олдинга чиққанди. Машина унинг ёнига келиб тўхтади. Шоп мўйлов бу одам хуррак отарди. Унинг ўсиқ қора мўйлови бўлмаса, юзи қизил, катта анорни кимдир хум устига қўйиб қўйганга ўхшарди.

Йўловчи машина сигналини зарб билан босди, мўйловли киши чўчиб тушди, қўлидаги ҳассаси ёнига — ариққа йиқилди. У нимадир излаб атрофни пайпаслади:

— Ҳэ, падарингга... — Бироқ овози бўғзида қолди. У машинадан тушган ҳарбий кийимдаги кишини кўриб, эс-ҳушини йиғиб олди:

— Э, Халфа! Сенми? Ваҳиманг қурмасин. Капалагимни учириб юбординг...

— Қанақа капалак? Арвоҳ капалакми? Агар арвоҳ бўлса ҳозир қайтариб келаман, — ҳазиллашди Халфа унга яқинлашаркан.

— Жинни бўлма! Исмоил мўйлов Игарков ҳали-бери арвоҳ капалакка айланмоқчи эмас. Унинг бу дунёда қиладиган ишлари кўп. Давлатда ҳам, одамларда ҳам ботмон-ботмон қарзим бор. Уларни ундирмай гўрга кетадиган аҳмоқ йўқ! А, лаббай... Кел, бир қучоқлашайлик. Кўришмаганимизга ҳам йилдан ошди.

Икки ошна полвонлардек қучоқлашиб, бирбирларини кўтариш пайида, ортга-олдинга юриш қилишди. Исмоилнинг қўли меҳмоннинг елкасида бўлса-да, кўзлари оқ «Волга»да эди.

— Машинада ким бор? Аёлми?

— Келинни олиб келдим. Қишлоғимни зиёрат қилсин, қураётган иморатимни кўрсатай унга.

Бу гапларни эшитган аёл деразанинг сарғиш дарпардасини четга суриб, машина эшигини қия очди:

— Ассалому алайкум, оқсоқол.

— Воалайкум ассалом. Ҳа, Холмат карвоннинг қизи, бизнинг қишлоққа ҳам келар экансиз-ку! Қадамингизга ҳасанот! Баққа тушинг, хизматта бўлай.

— Қуллуқ.

— Уйга киринг. Тушмайсизми? Оёғингизда хинаси бор, ерни босиб юрмайдими? Қутлуғ уйдан қуруқ кетмайдилар. Оббо, Назирабонуэй! Зап келибсизлар-да.

— Саври уйдами? Ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур, — ҳазиломуз деди Халфа. — Назирахонга овсинини кўрсатиб қўяй девдим.

— Қудасиникига кетганди. Қизимизнинг кўзи ёриган.

— Набира муборак бўлсин!

— Раҳмат. Набира ҳам бир этак бўлиб қолди. Қани уйга юринглар.

— Келин борида келармиз. Мавриди бўлиб қолар.

— Бир пиёла чой ичинглар. Муздек қатиқ

## III.

бор. Қаймоғи олинмаган.

Исмоил мўйлов ердан ҳассасини олиб, айиқ юриш қилиб, пастак дарвозага кириб кетди. Зум ўтмай иккита шиша банкада қатиқ олиб чиқди. Бирини ошнасига берди, иккинчисини аёлга тутди. Назира қатиққа ҳуши йўқлигини айтиб, узр сўради. Халфа эса қатиқни иштаҳа билан симириб, лабларини ялади-да, бўш идишни эгасига берди.

— Ол, бунисини ҳам ўзинг ич. Келин қўлим қайтарди.

— Раҳмат, тўйдим. Энди борайлик.

Исмоил мўйлов ошнасининг билагидан ушлаб «Волга»га суқ билан термилди:

— Ўзингникими? Илгари бошқа эди, шекилли.

— Янгисини беришди.

— Омадинг келган. Берганга қўша-қўша, бермаганга ўша-ўша. Иморатинг қишлоқда биринчи бўлар-ов! Бунақасини ҳеч ким қуролмас. Юз минг дона ғишт туширибсан. Ғишт заводи бедарвозами дейман.

— Итнинг феъли эгасига маълум. Сен ол, деса ҳиринг-ҳиринг, бер деса диринг-диринг қиласан. Ҳақини нақд тўласанг дарвозалар ҳам ланг очилаверади, ошна!

— Нақд тўламиш! Бизни гўл дема. Раисполкомнинг раисаси — Назирабону қўнғироғи билан ғишт заводи дарвозаси очилган. Бировнинг қўли билан тикан юлиш осон! Ҳа, биламиз. Биринг — ҳукумат. Иккинчинг қўш погонли, чексиз имтиёзли зот!

— Ҳа, ошна, майдонда синалган элда — азиз! Биз давлат одамимиз! Давлат учун умримизни тикканмиз.

— Биз-чи? Биз ҳам вақтида ҳукуматга хизмат қилганмиз. Урушда жон бериб жон олганмиз. Эски чопонни ит қопар, деганлар ҳақ. Бизни қадрлашмайди. Аммо юк кўтарган юзага чиқади. Баъзиларнинг кўзларини мошдек очиб қўйишим керак. Ҳа, кўрсатаман... Яланғоч сувдан тоймас. Исмоил мўйловнинг совунига ҳали кир ювишмаган. Гўридан сув чиқартириб юбораман. Уни-буни қўй. Менга ғиштингдан икки мингта бер.

— Ғишт нимага керак?

— Набирамга уй қураяпман.

— Ўн яшар болага-я?

— Ҳадемай, вояга етади. Қарға қафасда боқилмас. Ғиштга қачон одам юборай?

— Еб туриб маърама! Бир дона ҳам ғишт беролмайман. Бари ҳисобли-китобли. Ўзимга етмай қолиши мумкин.

— Юз минг дона ғишт-а? Бизга қолганда зиқналик қиласан! Бир вагон тахта олиб келдинг. Жиянинг қанча одамга улади. Бойникини бойтеват қизғанар. Жиянинг бизга бир дона харини ҳам раво кўрмади. Ош — авлиё, нон — пайғамбар эмас-ку! Ўз кумачингга кул тортма, дедим.

— Ночор одам сўраб келса, ёғочни аяма, бериб юбор деб жиянга тайинлагандим, — тушунтирди унга Халфа. — Сенинг бировга муҳтожлигинг йўқ, ошна! Сенга бермай тўғри қилибди.

— Эй, оқибат! Девонадан ой боши сўраётганим йўқ! Шу ҳам оқибат бўлдими?! Нима мен ҳақингни еб кетармидим? Қариндош бир-бирини суяши керак. Хайр қилсанг бутун қил! Шоҳ-гадонинг фарқи йўқ! Майли, ўтган ишга саловат. Ҳарна иш битсин. Хаёлим — ғиштда. Кўр товуққа ҳар нарса дон кўринади.

Исмоил мўйлов аёлга юзланди:

— Гадо аразласа—тўрвасига зиён. Бир томони қариндошлик. Қилдай томир бўлса, туққанга тортади. Бу ёғига раиса бека ўзингиз ёрдам бериб юборасиз-да. Қуш тилини қуш билади. Бизга икки мингта ғишт учун ижро-

## IV.

қўмдан рухсат қоғози олиб беринг.

Аёл бошини силкиб, кўрармиз дегандай ноаниқ жавоб қайтарди. Халфа машинага ўтириб, статерни қаттиқ босди. «Волга» олға силжиди. Машина эланг-буланг кўчаларни айланиб, бир томони сарғиш, ўзга ёни кўкимтир тошли тоғлар сари кўтарилиб борарди.

— Шу одамни кўрсам кўнглим озади, — деди Назира шикоятомуз. — Ўтакетган муғомбир, суллоҳ! Уруш инвалидиман деб раисполкомни оёқости қилиб ташлади. Бир бўри етти тулкини етаклар экан. Унинг ўзига участка бердик. Учта ўғлига ер олди. Ҳаммасига райисполком ёрдамида уй қуриб битказди. Энди ўн яшар набирасига жой ҳозирламоқчи. Яна бошимизни қотиради, бу одам.

— Урушга бориб ўқ отмаган одам-да. Туяга қанот битса томни бузади. Унинг дағдағасидан чўчималаринг. Найрангбоз-да у.

— Ростданми?

— Саволингиз бежо. Халфа ёлғон сўзламайди. Болалигида ғирром, қирриқ эди. Сут билан кирган жон билан чиқади. Ҳозир ҳам ўша-ўша Алихўжа.

Кўчанинг чап томонидаги пастак тош девор тугади. Яланглик кўзга ташланди. У юз метрча чўзилиб, пойи жарга туташганди. Машина яланглик тепасида тўхтади. Бу ер қурилиш майдонига айланганди: бир томонга тахта, ходалар расамати билан тахлаб қўйилган, устига клёнка чодир тортиб ташланганди. Ўртага том баробарида ғиштлар тахлаб қўйилганди. Тупроқ уюмлари оралаб, пойдевор хандақлари қазилганди.

Назира буларни кўриб атрофга аланглаб ваҳимага тушди:

— Халфа ака! Иморат жуда катта-ку! Бу уйми — саройми?

— Назираой, йигит умрида бир марта иморат қуради. Ўн хонали уй. Икки ёнида узун айвони бўлади. Иморат битганда, тепасидан кўрсангиз худди самолёт шаклида кўзга ташланади. Томига оқ тунука ёпамиз. Жуда антиқа чиқади.

— Иккита қизимиз бор. Ўн хонани нима қиламиз?

— Дунёдан ҳали умидим кўп. Балки Оллоҳ менга ўғил бериб қолар.

Назира уялиб ерга қаради.

Халфа аёлнинг ёнига келиб, унинг юмшоқ оқ билагидан ушлади.

— Ҳов, жарнинг ўнг биқинига қаранг. Ялтираб сув оқаяпти. Обишир булоғи ўша. Сал юқорироқда, қайрағочу арчалар тагига қаранг. У ерда учта ғор бор. Раҳматли отам ўша ғорда дунёга келган экан. Уч ака-ука—машҳур Маҳамад полвонлар авлоди ғорда катта бўлган. Мен эса саройда яшамоқчиман. Ахир, бизнинг роҳат қилишга, дам олишга ҳаққимиз борми? Ҳа, омон бўлинг! Ҳаққимиз бор! Сиз ташвишланаяпсиз. Билиб турибман. Чўчиманг, азизим. Сизга гап тегмайди. Барини ҳалол пулимга қилаяпман. Катта пул топдим: ярим миллион пулим бор. Қорним тўқ, эгним бут. Пулни сочайми, ариққа оқизайми? Иморат қураман. Ўзим яшайман, авлодларга қолади. Ана, иш боши ҳам келиб қолди.

Кўчанинг ўнг томонидаги катта дарвозадан кўк духоба дўппили, манглайини қизил қийиқча билан боғлаган, ўрта бўйли, нозиккина йигит чиқиб келди. У Халфа билан қучоқлашиб кўришди. Қўлларини кўксига қўйиб аёлга салом берди.

— Хўш, жиян, ишлар қандай?

— Яхши, тоға. Хандақлар тайёр. Усталар бетон плиталарга қараб қолишди. Юз дона керак. Олиб келишса, иш бошлашади.

— Эртага уларни жўнатаман. Яна нима керак?

— Бошқа ҳамма нарса муҳайё.

Болалар машина атрофида чувиллаша бошлашди:

— Деразасини чизма! — қизча укасини қўлига урди.

— Эшикни очма, — деди иккинчиси.

— Анови юлдузли шапкани мен кўрай.

— Қўй, тегма! Халфа амаки уришиб берадилар.

— Халфа амакининг самолёти бор-а? Ойим айтганлар.

— Йўқ, парашютлари бор.

— Нима у?

— Катта шар. Ўшани миниб осмондан ерга сакрайдилар.

— Йиқилиб тушсалар-чи?

## V.

— Йиқилмайди. Уни белларига боғлаб оладилар, — тушунтиради опаси болага.

— Халфа амакига маза! Мен катта бўлсам самолёт ҳайдайман.

— Аввал мишиғингни арт. Самолёт ҳайдаш ўнғайми?

— Ўрганаман...

Қаршидаги кўк давозадан нозиккина аёл чиқди. У узоқдан туриб машина атрофидаги болаларга дағ-дағa қилди:

— Қизлар, болалар, машинага тегмаларинг. Қоч, ҳамманг! Туққанларингнинг олдига марш!

— Болаларни ҳайдама, Вазира! — деди аёлга Халфа.

— Вой, акажоним-эй, соғиниб кетдим. Машина келганини билдим, уйга жой солиб пойлаб ўтирдим. Дарагингиз йўқ. Ўзим чиқдим.

У акасининг елкасидан қучиб, пешонасидан ўпди:

— Ҳам отам, ҳам онам, азизу мўътабар акажоним. Бўй-бастингиз қишлоғимизга жуда ярашиб турибди. Дадам, киндик қони тўкилган жойда жонинг бор, дердилар. — Кейин у Назирани бағрига босди. — Дугонажон, қадамингизга ҳасанот. Илоҳи, қўша-қаринглар, шу ерда яйраб-яшнанглар. Қани, уйга юринглар.

— Назира, сизлар уйга кириб туринглар. Мен манави болаларни бир айлантириб келай, — деди Халфа ва машинаси томон юрди.

— Қўйсангиз-чи, ака! Чарчагансиз. Ҳаҳ, ҳеч болажонлигингиз қолмади! Тез қайтинг, — илтижо қилди синглиси.

Халфа олти қиз, уч ўғил болани орқа ўриндиққа ўтказди. Ёш бир бола билан қизчани ёнига олди-да машинани аста ҳайдаб пастга— гузарга томон йўл олди. У болаларни музқаймоққа тўйғазмоқчи эди. Афсуски, гузардаги дўкончада музқаймоқ йўқ экан. Халфа болаларга хўрозқанд, писта олиб берди. У изига қайтди.

У болаларни уй-уйига жўнатиб, машинани кўк дарвоза ёнига олиб келаётганида йўлкада елкасида қоп, қўлида бир боғ ўт кўтарган йигитчага кўзи тушди.

— Сиз кимнинг ўғлисиз? — сўради Халфа ундан.

Йигитча қўлидаги ўтни ерга қўйиб салом берди:

— Иномакаинг.

— Дадангиз яхши юрибдиларми?

Йигитча жим қолди, қопини елкасига силкаб аста деди:

— Дадам қазо қилганлар.

— Ё олло! Иномжон-а? Қачон?

— Икки ой бўлди.

— Машинага ўтиринг! Қопни юкхонасига қўямиз.

Иноm Халфанинг мактабдош ўртоғи эди. У оғайнисининг бир неча йилдан буён силқовланиб юрганини биларди. Унинг ўлимидан бехабар эди. «Инсон умри шунчалик қисқами? — дея ўз-ўзидан сўрарди Халфа. — Куни кеча мана шу йигитчадек ўт орқалаб, сигир боқиб юрган бола эди улар. У-ку дунёни беармон кезди. Иноm эса нима кўрди, бу дунёдан нима орттирди?! Етти бола бўзлаб қолди...».

Халфа машинани аста ҳайдаб, шуларни ўйларди. У нураган иморат ёнида машинани тўхтатди.

Бола қопни машинадан олиб йўлакка қўйди-да, ичкарига чопиб кириб кетди. Ҳаял ўтмай озғин аёл остонада пайдо бўлди.

— Бандалик, оғайнимни бериб қўйибсиз, — ундан кўнгил сўради Халфа.— Худо сизга сабр берсин.

Аёл йўл бошлади. Халфа ҳовлига кириб, айвон чеккасига чўкди. Йигитча унинг ёнига келиб тиззалаб ўтирди ва онасининг ишораси билан дона-дона қилиб тиловат ўқиди. Учовлон фотиҳа тортишди. «Иноm, оғайним бу дунёдан кўзи очиқ кетди, — деб ўйларди Халфа. — Аёли азобда қолди. Беванинг кўнгли — тангрининг уйи. Жўжали товуқдан дон ортмас. Қишлоққа келганда буларнинг ҳолидан хабар олиб туришим керак». Халфа чўнтагидан иккита юз сўм пул олиб беванинг олдига қўйди:

— Сингил, кўп хафа бўлаверманг. Бу чала дунё. От ўрнини той босар. Болаларингизни ўйланг, — далда берди унга ва ўрнидан турди.

**Н. НЕЪМАТОВ.**

---

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ФОРС КЎРФАЗИДАГИ ВАЗИЯТ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҲАМДА СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. БУШНИНГ ХЕЛЬСИНКИДАГИ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Бушнинг 1990 йил 9 сентябрдаги амалий учрашуви якунлари юзасидан СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ироқнинг Қувайтга қарши агрессиясига нисбатан Совет давлати раҳбарияти тутган позицияси қўллаб-қувватлансин. СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Бушнинг Яқин Шарқда ва Форс кўрфазида мустаҳкам ва адолатли тинчликка эришишни вазифа қилиб қўйган қўшма баёноти маъқуллансин.

3. Форс кўрфази районида вазиятнинг ривожланиши ва бу ердаги тангликни сиёсий йўл билан бартараф этишда Совет томонининг иштироки ҳақида СССР Ташқи ишлар министрлиги халқаро ишлар комитетини ва умуман СССР Олий Советини мунтазам хабардор қилиб туриши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Можаро зонасидан СССР фуқароларини олиб чиқиб кетиш чоралари маъқуллансин.

**СССР Олий Советининг раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

---

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

М. С. Горбачев билан Ж. Бушнинг Хельсинкидаги учрашуви Совет —Америка муносабатлари бутун комплексининг янада ривожланиши учунгина эмас, ўзаро боғлиқ бутун дунё учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Совет журналистларининг ҳам, чет элдаги журналистларнинг ҳам олий даражадаги учрашув тафсилотларига қизиқиши сусаймаяпти. СССР Президентининг ёрдамчиси В. Игнатенко 11 сентябрь куни ўтказган брифинг чоғида бу мавзуда жуда кўп саволлар берилди.

У, хусусан, томонларнинг нуқтаи назарлари олий даражадаги учрашув якунлари юзасидан қабул қилинган қўшма баёнотда ўз ифодасини топганлигини таъкидлади. СССР билан АҚШ ўртасида яқинлашув жараёни бормоқда. Форс кўрфази районидаги вазиятни муҳокама қилишдаги ҳамжиҳатлик буни тасдиқламоқда.

Президент ёрдамчиси журналистларни М. С. Горбачевнинг келаси ҳафтадаги иш режалари билан таништирди. Хусусан, АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер, Италия ташқи ишлар министри Ж. де Микелис, АҚШнинг собиқ президенти Р. Рейган билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

(ТАСС).

## СОВЕТ—АМЕРИКА УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ХУСУСИДА

● ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш Хельсинкидан қайтиб келгач, бир қанча давлат раҳбарларини СССР Президенти М. С. Горбачев билан учрашуви якунларидан хабардор қилди. Оқ уй матбуот котиби Марлин Фицуотернинг журналистларга маълум қилишича, Буш телефон орқали Канада, Миср, Франция, Саудия Арабистони ва Туркия раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Президент Хельсинкида маъқулланган қўшма баёнотнинг «тарихий тусда эканлигини» таъкидлади, дейилади Оқ уй вакилининг хабарида. Буш гаплашган барча раҳбарлар «бунга жавобан учрашув якунларини қўллаб-қувватлашларини ҳамда кўп ҳолларда Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар бундай биргаликда куч-ғайрат сарфлашга қодир эканликларидан тўла мамнуният изҳор қилдилар».

● БМТ. БМТ бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр Хельсинкидаги учрашувни диққат билан кузатиб турди. Бу учрашув натижалари СССР ва АҚШ президентларининг қўшма баёнотларида, шунингдек Финляндия пойтахтида ўтказилган журналистлар билан суҳбатдаги нутқларда акс этди. БМТ бош котибининг расмий вакили Франсуа Жулиани бу ҳақда душанба куни гапирди. Перес де Куэльяр, деди у, Совет ва Америка раҳбарлари БМТ қарорларини бажариш тарафдори эканликларини маълум қилганликларини алоҳида қизиқиш билан таъкидлади.

● ЛОНДОН. Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Буш ўртасида Хельсинкида бўлиб ўтган учрашув якунларидан мамнун бўлганлигини айтди. М. Тэтчер журналистлар билан суҳбатда бу учрашув ғоят фойдали бўлганини таъкидлади. «Икки буюк давлат, Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи БМТ қарорлари қатъий бажарилиши учун якдил бўлиб ҳаракат қилаётганликларига бутун дунё ишонч ҳосил қилди», — деди Британия ҳукуматининг бошлиғи. М. Тэтчер учрашувнинг якунловчи ҳужжати мазмунига тўла қўшилишини айтди.

● МАДРИД. Испания Совет—Америка учрашуви натижаларини табриклайди, деди Испания ташқи ишлар министри Франсиско Фернандес Ордоньес. У Испания радиоси мухбири билан суҳбатда «БМТ доирасида, халқаро қонунийлик доирасида ҳаракат қилишга интилиш» икки буюк давлатнинг Форс кўрфазидаги тангликка ёндашувида асосий ўрин тутганлигини таъкидлади. Ироқ ўз мавқеини ўзгартириши учун барча сиёсий воситалардан фойдаланиш керак, деди у.

**Боймурод Хурсандов 22 йилдирки, Ургут районидаги Ильич номли жамоа хўжалигида участка агрономи бўлиб ишламоқда. Унинг ғайрат-шижоати туфайли дастурхонимизнинг кўрки бўлган қовуннинг ўнлаб ноёб навлари тикланди. Жорий йилда эса бу экиндан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди.**

СУРАТДА: Боймурод Хурсандов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## ИЛК ОДИМЛАР

Ёзёвон районида янги автокорхона иш бошлади. Ўзбекистон ССР Автомобил транспорти вазирлигининг қарори билан Фарғона автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиёрида 51-автобаза вужудга келтирилди.

— Бўлинмамизнинг ташкил этилиши, — дейди автокорхона директори Исроилжон Мирзаҳакимов, — район аҳолисига бир қатор қулайликлар туғдириш билан бирга кўпгина кишиларни иш билан таъминлади. Бугунги кунда корхона ихтиёрида 47 та турли маркадаги автобус ва юк машиналари мавжуд бўлиб, 76 киши меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг охиригача транспорт воситаларининг сони ортиб, ишчи-хизматчиларимиз 103 кишига етади. 1991 йилда иш ҳажми икки ҳисса кўпаяди.

Меҳнат жамоаси корхонани кенгайтириш, янги тармоқларни вужудга келтириш тадбирларини бошлаб юборди. Шу мақсадда 3 гектар майдон ажратилиб, бу ерда турли хизмат кўрсатиш шохобчалари учун бинолар барпо этишга киришилди. Яқин кунларда машиналарни созлаш, сақлаш жойлари бунёд қилинади, ёнилғи қуйиш шохобчасини, устахонани қуриш ниҳоясига етади. Ишчиларга маданий-маиший шароитлар яратиб берилади.

Автокорхонада 1990 йилнинг иккинчи ярмида аҳолига 190 минг сўмлик хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга 61 минг сўмлик фойда олиш режалаштирилаяпти. Кўзланган мақсадга эришиш йўлида ўзаро беллашув авж олмоқда Дадажон Жононов, Абдумутал Холмирзаев, Нурмат Неъматов, Маматкарим Абдуллаев ва Раҳматхон Ҳакимов сингари ҳайдовчилар ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

**А. МАДРАҲИМОВ.**

## ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

### ҲАМ ИШ, ҲАМ УЙ-ЖОЙ

**Қорақалпоғистон АССР Қораўзак район марказида йилига 20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга туширилди. «Аралводстрой» қурилиш бирлашмасининг 24-механизациялашган кўчма колоннаси уни ишчилар посёлкаси билан бирга фойдаланишга топширди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ янги корхона ходимларининг 104 оиласи янги уйларга кўчиб кирди. Завод ўз маҳсулотини мухтор жумҳуриятнинг Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир районларига етказиб беради. Корхона ишга туширилганидан кейин бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси қисман ҳал этилди.**

### НИТРАТЛАР ЎРНИГА

**Тошкентдаги Урта Осиё темир йўллар бошқармаси ҳузурида ишлаётган атроф муҳитини муҳофаза қилиш илмий-ишлаб чиқариш марказининг ўзига хос ишланмаси — «Ктан» теплицалардаги сабзавотлар ҳосилдорлигини 25 фоиз оширишга ёрдам берди. Бу ерда ўсимликларни озиқлантириш учун анъанавий нитратлар ўрнига карбонат ангидрид газидан фойдаланишмоқда. «Ктан» газнинг атмосферага тарқалиб кетишига йўл қўймайди, ўз навбатида, ўсимликлар ҳам уни кўпроқ «иштаҳа билан» сингдиришади.**

### КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

**Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кичик мактаб ёшидаги қизлар учун «Банан» шимлар тайёрлай бошлади. Кичкинтойлар янгиликдан мамнун бўлишади, чунки у машҳур «Бурда» журналида таклиф қилинган намунага қараб тайёрланган. Бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент ва пойтахт вилояти савдо тармоғига етказиб берилди.**

### УНУМДОРЛИК ОШДИ

**Қашқадарё вилоятидаги Қамаши пахта фабрикасининг жамоаси кечаю кундуз ишлай бошлади. Натижада фабрика жамоаси ишлаб чиқариш унумдорлигини икки баравар оширди. Қайта ишланган сифатсиз хом ашёдан кўрпалар тайёрлаш ва мебелларни қоплашда фойдаланилмоқда. Қамашиликлар тайёрлаган маҳсулот мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида доимо харидоргир ҳисобланади. Яқинда эса фабрика Швейцария, Венгрия ва Югославия фирмалари билан шартнома тузди. Хорижий бозорга чиқиш фабрика ходимларига мунтазам равишда валюта ишлаб топишга ҳам ёрдам беради.**

### БУЮРТМАГА БИНОАН

**Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ишқорли аккумуляторлар учун ғилофлар тайёрлашни кескин кўпайтирди. Корхонада бозор муносабатларига ўтишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Шу туфайли маҳсулот учун қатъий ва салмоқли буюртма даромад гарови бўлади. Бу маҳсулотлар «Воркутауголь», «Карагандауголь» каби корхоналарга ҳам жўнатилади. Ангренликлар йил охирига қадар буюртмачиларга 120 минг ғилоф юборадилар.**

(ЎзТАГ).

*Шундайлар бор бўлишсин*

# ТАБАРРУК ОНАХОН

Оналар, оналар! Сизларни таърифлашга фарзандларингиз ожиздирлар. Шунинг учун ҳам шоиру ҳофизлар: «Бу оламда улуғ зот ким десанг, доим онам дерман!» деб жар солсалар ҳам кўнгил таскин топмагай.

Бугун биз ана шундай табаррук оналардан бири Тожи опанинг умр йўли ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Мен бу аёлни узоқ йиллардан бери биламан. Ўзи ҳам, турмуш ўртоғи Намоз Ўринов ҳам обрўли кишилар тоифасидан. Намоз ака 26 йилдирки, партия сафида ҳалол хизмат қилаяпти. Бу киши ҳам турғунлик йиллари деб аталган ўша даврдан «улушини олган» заҳматкашлардан. Раҳбарлар ўз танишлари ёки яхшигина «суюнчи» берганларни лавозимга қўяётган пайтда Ўриновга ҳам Ульянов район партия комитетининг котиби лавозимини бўшатишга тўғри келди. Лекин у тушкунликка тушмади. Қаерга юборилган бўлса, ҳалол меҳнат қилди. Айни пайтда эса Қашқадарё вилояти марказида экскурсия ва саёҳатлар уюшмасининг раҳбари.

Тожи опанинг Намоз ака билан турмуш қурганига 30 йилдан ошаяпти. Уларнинг беш нафар фарзанди бор. Тошкент тиббиёт институтини тугаллаган Гулсара район марказий шифохонасида ички касалликлар бўйича мутахассис. Турмуш ўртоғи олий маълумотли алоқа ходими. Мастура район марказий поликлиникасида шифокор. Гўзал Қарши муаллимлар институтининг тарих факультетида таҳсил кўрмоқда. Ўғиллари Эркин ва Фарҳод уйли-жойли, фарзандли.

Опанинг меҳнат пенсиясига чиққанига икки йил бўлди. Лекин ҳамон жамоа даврасида. Болалар тарбиясисиз туролмайди. Педагоглик фаолиятига эса 33 йилдан ошаяпти. У ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча ёшларга қалам ушлашдан тортиб равон ўқишгача ўргатмади дейсиз. Талабалари орасида қарийб барча касб эгалари бор. Шогирдлари — фан номзодларию докторлари байрамларда уни табриклаб туришади. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! Эккан ниҳолларинг мева бера бошласа, қандай яхши!

...Аёллар даврасидаги суҳбатини ким эшитмаган? Мавзу эркакларга кўчса, баъзилар турмуш ўртоғининг қайсидир хислатлари ёқмаганидан куюниб гапиради. Айниқса, ичиб келса, бироз қўшиброқ тўқийди. Айримлар эса фарзанди айтганига кирмаётганидан афсусда. Тожи опа даврасида бўлганларнинг бирортаси унинг нолиб гапирганини эслай олмайди.

— Катта келиним, рус қизи — Марина урф-одатимизга беш-олти ойда ўрганиб кетди, — дейди Тожи опа. — Ўзбек атласи кимларни ўзига ром этмаган дейсиз. Марина ҳам турли бичимларда атласдан қўйлаклар тиктирди. Рангли суратга тушиб, ота-оналарига юборди. Ишдан келганида ҳам уйда — меҳмонлар олдида атлас кўйлагу лозимда юрганини кўриб кўни-қўшниларимиз: «Ўзбек қизлари европалашиб бораётган замонда сизнинг келинингиз соф ўзбек бўлиб олди-я», — деб ҳавас билан қарашади. Ёзги таътилда дам олиш учун Ставрополга — қудаларимизникига борамиз. Улар ҳам Ўзбекистонга тез-тез келишади. Ҳозир олтита набирам бор. Еттинчисини кутмоқдамиз. Ҳали бирор марта келиниларим ёки фарзандларим ўртасида келишмовчилик бўлмаган. Баъзи қайноналар келининг дам олаётганини кўрса энсаси қотади: иш қолиб кетди деб. Мен эса ҳордиқ олишига кўпроқ имконият яратиб беришга ҳаракат қиламан. Ахир, ишлаб чарчаб келадику?! Қизимга ҳам қайнонаси ана шундай муомалада бўлади. Қандай яшаш ўзимизга боғлиқ. Ҳалол меҳнат қилиб, болаларимиз тарбиясига эътибор берсак, ҳаётимиз кундан кунга гуллаб-яшнайверади.

...Тожи опанинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Область халқ таълими, жумҳурият Маориф вазирликларининг фахрий ёрлиқлари, 1979 йили «Ҳурмат» ордени билан мукофотланди. Эндиликда эса «Меҳнат ветерани» бўлди. У ҳозир ҳам Ульянов райони марказидаги 1-ўрта мактабда ишлаяпти.

Ҳа, бундай табаррук инсонлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**Э. ХОЛМУРОДОВ.**

**СУРАТДА:** тажрибали шифокор Мадамин Раҳматов ҳамшираллар билан суҳбатлашмоқда.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# «ЧИМЁН» ЧАШМАСИ

Фарғона водийсининг сўлим манзилгоҳларидан бири — «Чимён» санаторийси танга ором берувчи соф ҳавоси, гўзал табиати билан кишини мафтун этади. Айниқса, тонг ота бошлаган, уфқ юзи қизараётган, майсалар баргида биллур томчилар ғужғон ўйнаган дамларда бу масканинг ҳуснига ҳусн қўшилади. Тоза ва салқин ҳаво димоққа урилиб, турли хил гиёҳларга бой тоғ ёнбағирлари, ям-яшил дарахтлар, кўзни қувнатувчи бахмал далалар дилларга ҳузур бағишлайди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам сой соҳиллари-ю меваздор боғларни ўз ичига олган бу гўша сўлим ва оромбахш. Бу ерда бир-икки ҳафта турган киши куч-қувват олиб қайтади. Яхши ҳордиқ эса инсон руҳи ва кайфиятини кўтаради.

Ҳамроҳимиз — бош врач ўринбосари Ноила Маъруповна Сиддиқова билан саломатлик масканини айланар эканмиз, даволанувчилар учун барча шароит муҳайё этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бежирим дам олиш хоналари, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган даволаниш хоналари, кутубхона ва чойхона дам олувчилар ихтиёрида. Юмшоқ кўрпачалар тўшалиб, лўлаболишлар қўйилган шинам каравотларда оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний отахонлар қизғин суҳбат қуришган. Ахир, бир пиёла чой баҳона бундай гурунгларга нима етсин!

— Санаториймизда турли хасталикларга чалинган беморлар даволанишади, — дейди Ноила Маъруповна. — Улар иттифоқимизнинг барча бурчакларидан ташриф буюришган. Бухоролик Ф. Шамова, жиззахлик Б. Нормуродов, Олмаота шаҳрилик Б. Смирнова ва бошқа жойлардан келган кўпчилик дам олувчилар шулар жумласидан. Уларга намунали хизмат кўрсатишда аҳил жамоамиз аъзолари жонбозлик қилаяптилар. Айниқса тажрибали шифокорларимиздан Мадамин Раҳматов, Муҳиддин Мирзаев, Иқбол Хўжаева, Имом Эргашев кабиларнинг сидқидил меҳнатлари мақтовга лойиқ. Шунингдек, ҳамширалар Зулфира Зокирова, Валентина Комарова, Зулфия Мадарипова ҳам жонкуярликлари билан кўпчилик ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишмоқда. Хоналарни саранжом-саришта тутишда Лола Сайдалиева ва Ҳалима Мирзаалимова сингари ходимларимизнинг хизматлари катта.

Ҳа, чиндан ҳам санаторий жамоаси дам олувчилар соғлиғи ҳақида астойдил қайғуриб, нуроний отахонлар ва мунис онахонларнинг дуосини олмоқда. Буни даволанувчиларнинг самимий дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

— Партия ва ҳукуматимизнинг биз—кексаларга катта ғамхўрлик кўрсатаётганлигидан чексиз миннатдормиз, — дейди Жиззах вилоятининг Жиззах районидан келган педагог Жаббор ака Жўраев. — Айниқса бизларга мана шундай жаннатмисол жойларда дам олиш ҳуқуқи бериб қўйилганлигининг ўзи катта гап. Бунинг устига шифокорларнинг ширинсуханлигини айтмайсизми. Дам олувчиларга худди туғишганларидек яқин муомала қиладиган сахий қалб бу кишиларнинг чеҳрасида доимо табассум.

Саломатлик масканида бўлганимизда шикоят ва таклифлар дафтарини ҳам кўздан кечирдик. Унинг саҳифаларида даволанувчиларнинг врачлардан, уларнинг хизматларидан беҳад миннатдор бўлиб ёзиб қолдирган қалб сўзлари бор:

«Меҳрибон ва қалби дарё шифокорлар, менга кўрсатган ғамхўрлигингиз учун сизларни бир умр унутмайман», — деб ёзиб қолдирибди байналмилалчи жангчи Фахриддин Эшонқулов.

Бу даргоҳдан дардларига шифо топиб, қадрдон оилаларига, азиз фарзандлари бағрига руҳан тетик, кайфиятлари чоғ бўлиб қайтаётганлар сони йил сайин ошмоқда.

**И. АЛИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.**

# ХАЙРЛИ ИШ

Бугун оддий туюлган воқеа-ҳодисани илгари ҳатто тасаввурга сиғдириш мушкул эди. Янги ўқув йили арафасида Китоб райони хўжаликларида бўлиб ўтган қизиқарли учрашувлар бунга ёрқин мисол. Колхоз ва совхозлар ўз ҳудудларидан турли шаҳарларга бориб билим олаётган талабаларни биринчи марта маслаҳатлашув йиғинига таклиф этишди.

Биз Улуғбек номли жамоа хўжалигидаги тантанада қатнашдик. Ҳовуз бўйидаги серсоя дарахтлар тагида ҳозирланган жой йигит ва қизлар билан лиқ тўлди. Учрашувни очган колхоз партия комитетининг котиби Жалолбой Ҳасанов қисқача гапириб, навбатни бошқарув раиси Раҳматулла Холиқовга берди.

— Аввало хўжалик бошқаруви, партия, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари номидан барчангизни янги ўқув йили билан самимий табриклайман, — деди у. — Сир эмас: ҳозир ҳаммамиз ҳаяжондамиз. Чунки илк бор шундай тўпландик. Халқимизда: «Меҳр кўзда билинади» деган мақол бор. Учрашувдан мақсад ҳам шу: колхоз раҳбарияти сизлар билан юзма-юз бўлиб, бир-бирларимиздан ҳол-аҳвол сўрайлик. Ишдаги, ўқишдаги ютуқ ва камчиликларни очиқ-ойдин айтайлик. Бизлар ўзаро кенгашиб, бундан буён ўқув йили бошланишидан олдин мунтазам учрашиб туришга қарор қилдик. Келгуси йилдан бир ойлик стипендия миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Хўжалик ёшлари еттита шаҳарда: Тошкент, Душанбе, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Бухоро, Шаҳрисабзда таълим олишади. Ҳар бир шаҳар талабаларига бошлиқлар сайланди. Сўнгра колхоз бошқаруви ва жамоат ташкилотларининг қарорига асосан олий ўқув юртларида таҳсил кўрувчиларга 40, техникум толибларига 20 сўмдан берилди.

— Биз, кексаларнинг маслаҳатимиз ҳам, илтимосимиз ҳам битта: соғ-саломат, тинч юриб, яхши ўқинглар, — деди учрашувда сўзга чиққан жамоа хўжалиги партия, уруш ва меҳнат мўйсафидлари кенгашининг раиси Мирзасултон Камолов. — Чунки келажакда хоҳ раислик бўлсин, хоҳ бошқа лавозим бўлсин, ҳаммаси — сизларники. Колхозимизга билимдон, ишбилармон мутахассислар керак. Ёшларимиз шундай бўлиб етишишларини истаймиз.

Меҳнат мўйсафиди Даврон ота Шарипов тўрт фарзанди олий ўқув юртларида ўқиётгани ҳақида, халқ депутатлари Қуйиоқбой қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Саида Тошмуродова йигит-қизлар замон талабига муносиб бўлишлари тўғрисида гапирдилар.

— Талабалик — олтин даврдир, деб бежиз айтишмаган, — Увайсий номли мактаб директори Бегим Имомов сўзини шундай бошлади. — Чорак аср муқаддам ўқиб юрган чоғларимни эсласам, бунга чуқур иқрор бўламан. Дарҳақиқат, талабалик энг завқли, бетакрор, айни пайтда масъулиятли палла ҳисобланади. Киши мустақил ҳаётини шу пайтда белгилаб олади. Ўзга шаҳарда аҳиллик, бир-бирингиздан хабардор бўлиш, ёрдам бериш муҳимлигини унутманг.

Сўзга чиққан ёшлар учрашув унутилмас воқеа бўлиб қолиши, айтилган фойдали маслаҳатлар беиз кетмаслиги, ўз орзу ва мақсадлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Колхоз ҳудудида Усмон Юсупов номли, Мирзо Бедил номли, Увайсий номли, Садриддин Айний номли ўрта мактаблар жойлашган. Уларни тугатган юздан зиёд йигит ва қиз айни вақтда турли мутахассислик бўйича билим олмоқда. Учрашувда етмишдан ортиқ талаба иштирок этди. Халқимиз таомилига кўра улар олдига дастурхон ёзилиб, палов тортилди. Кейин район маданият уйи санъаткорлари концерт қўйиб беришди.

**Э. ИБРОҲИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ РАМЗИ

**Самарқанднинг регистон майдонида «Карвон» деб аталган ҳайкаллар туркуми пайдо бўлди. Ихчам ва чиройли қилиб ишланган мазкур туркум ўзида бу ердан ўтган буюк ипак йўли даврини акс эттирган. Карвонлар ўтиб борар, демак маданиятларнинг ўзаро алоқалари давом этар, бойиб борар, халқлар ўртасида алоқалар йўлга қўйилар ва мустаҳкамланарди.**

**Ҳайкалтарош Туркман Эсонов ва меъмор Раиса Тарасенко кўҳна Самарқанд қай даражада гавжум маданий ва савдо маркази бўлганлигидан далолат берувчи тарихнинг бир саҳифасини кашф этганлик бўлдилар. Ҳозир шаҳарда ўтмишдаги анъаналарни тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Қўшма корхоналар тузилмоқда, халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар ўтказилмоқда.**

# СПОРТ ахбороти

## ФУТБОЛ

Икки йилдан сўнг 16 мамлакатнинг олимпиада терма командалари Барселонада чемпионлик унвони учун курашни бошлайдилар. Айни пайтда эса саралаш учрашувлари ўтказилмоқда. Сеул олимпиадаси чемпионлари — СССР терма командаси иштирок этадиган гуруҳда Норвегия, Венгрия ва Италия футболчилари бор. Куни кеча вакилларимиз илк саралаш матчини ўтказишди. Улар Москвадаги «Локомотив» ўйингоҳида Норвегия терма командасини қабул қилдилар.

Учрашувнинг 15-минутида пахтакорчи Қосимов узатган тўпни Онопко меҳмонлар дарвозасига йўллади. Лекин кейинчалик футболчиларимиз ташаббусни бой бериб қўйишди. Натижада норвегияликлар 2:1 ҳисобида олдинга чиқдилар. 81-минутда Беженар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Пировардида матч жанговар дуранг (2:2) билан якунланди.

* * *

«Днепр» клуби Шимолий Ирландия бўйлаб ўтказган сафардан қайтди. Днепропетровсклик футболчилар дастлаб Лондондерри шаҳрида маҳаллий «Дерби» командасини 5:0 ҳисобида енгдилар. Дублинда эса Ирландия клубларидан ташкил топган футболчиларни мағлубиятга учратдилар — 4:0.

## ХОККЕЙ

Олий лигада навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Москва армиячилари Воскресенскнинг «Химик» командасини 8:1 ҳисобида енгдилар. Пещқадам — пойтахтнинг «Спартак» коллективи ҳам сафарда зафар қучди. Спартакчилар Ригада «Динамо» командасидан устун келдилар — 3:2.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Трактор» (Челябинск) — «Динамо» (Минск) — 4:0, «Автомобилист» (Свердловск) — «Динамо» (Москва) — 2:7.

Биринчиликда саккиз имкониятдан 7 тадан очко тўплаган «Спартак» ва МАСК командалари пешқадамлик қилишаяпти.

## ШАШҚА

Луганскда йигирма тўртинчи бор Бутуниттифоқ кашшофлар мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Самарқанддаги 37-мактаб ўқувчиларидан таркиб топган шашкачилар муваффақият қозондилар. Вакилларимиз охирги турда Қирғизистон коллективини енгиб, энг кўп очко тўплаган ҳолда чемпионлик унвонини қўлга киритдилар. Молдавияликлар иккинчи, украиналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблик унвонига сазовор бўлган самарқандликлар сафида мастерликка номзод Жаҳонгир Асадов, Тоҳир Башатов, Ирина Сулейманянц ва Эдуард Муллақандов иштирок этдилар.

* * *

Хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги якунланди. Бунда айниқса тошкентлик Н. Бадеева муваффақиятли ўйин кўрсатди. У ўн бир учрашувда бирон маротаба ҳам мағлубиятга учрамай (уч дуранг), чемпион бўлди.

Фарғоналик З. Сафина (8,5 очко) иккинчи ўринни эгаллади. Катталар мусобақасида илк бор қатнашган чирчиқлик ўн яшар ўқувчи Наргиза Мавлонова 7 очко тўплаб, учинчи ўринни қўлга киритди.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Тошкентдаги «Пахтакор» ўйингоҳида 21-Ўзбекистон спартакиадаси ниҳоясига етди. Тошкент командаси муваффақиятли қатнашиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Иккинчи ўрин пойтахт вилояти енгил атлетикачиларига тегди. Бухороликлар эса учинчи бўлишди.

**Муҳаррир ўринбосари**
**Н. ЕҚУБОВ.**

*СССР Ички ишлар вазирлигининг шарҳи*

# Тангликдан чиқишнинг иложи бор

Қотиллик қилгани учун ҳибсга олиниб, тергов қамоқхонасида сақланаётган уч киши овқат улашилаётган пайтда тергов қамоқхонаси бошлиғининг навбатчи ёрдамчисини, бинонинг катта хизматчиси ва икки назоратчини гаровга ушлаб олдилар. Улардан камераларнинг калитларини тортиб олган жиноятчилар у ердаги 233 кишини чиқариб юбордилар. Кроватлардан синдириб тортиб олинган металл таёқчалар билан қўрқитиб, автоматлар ўқ-дорилари билан берилишини, зирхли камзуллар ва қамоқхонадан ташқарига чиқиб кетиш учун автомашина сўрашди. Олиб борилган музокаралар натижасида жиноятчилар ўз ниятларидан қайтдилар, гаровга олинган кишиларни қўйиб юбордилар. Жабрланганлар йўқ.

Йил бошидан бери ўттизинчи марта шундай воқеа рўй берди. Бироқ ҳамма можаролар ҳам тинчгина тугагани йўқ — гаровга олинган кишиларни озод қилишда ички ишлар органларининг 126 ходими ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлди ва жароҳатланди.

Қамоқхона хизматчиларига қораланган кишилар нима сабабдан ҳужум қилишмоқда? СССР Ички ишлар министрлигининг ахлоқ тузатиш ишлари бош бошқармасининг бошлиғи В. А. Гуляев ТАСС мухбирига шундай деди:

— Аҳоли орасидаги баъзи кишиларда, шу жумладан ходимларимизда ҳам кейинги вақтларда хизматчиларни гаровга олиш юзасидан бўлган ҳодисалар жиноятчиларни қамоқхонада сақлаш тартиби пасайиб кетганлигининг, ҳаддан ташқари қилинаётган инсонпарварликнинг натижасидир, деган фикр юрибди. Аслида эса бунинг сабаблари анча жиддий. Уларнинг асосийларидан бири шундаки, амалдаги қонунларда суд қилинган кишилар учун асоссиз бир қанча тақиқлашлар бор. Ундаги айрим ҳолатлар, тартиблар халқаро андазаларга мос келмайди. Ишончим комилки, хат ёзиш, қариндош-уруғлар билан кўришиш, ўзининг пулидан фойдаланиш, таътил олиш кабилар чеклаб қўйилганлиги жазо мақсадларига зиддир.

Жазо муддатини ўташ билан боғлиқ муассасалар фаолияти кўпгина давлат ва жамоат муассасаларининг эътиборидан четда қолган. СССР Олий Совети ва ҳукуматида жазони ижро этиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга махсус хизмат қиладиган тузилмалар йўқ. Жумҳуриятлар ва вилоятларда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари идоравий бошқарувнинг объекти бўлиб қолмоқда, холос. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига жиноий жазолар ижросини ташкил этишда зарур ҳуқуқлар берилмаган, улар судланганларнинг ахлоқий тузатиш натижалари, улар озодликка чиққанларидан сўнг ижтимоий турмушга кўникишлари учун жавобгар эмаслар. Озодликка чиққан кишиларни турар жойидан рўйхатдан ўтказишда, уларга уй-жойлар беришда ҳали ҳам чеклашлар давом этмоқда.

Бизда ўзимизнинг муаммоларимиз ҳам кўп. Қамоққа олинганлар сони мунтазам ўзгариб турадиган шароитда ишлаб чиқариш алоқаларининг беқарорлиги кучаймоқда. Судланган ҳар тўрт кишининг бири турли сабабларга кўра ишламайди, ишлаётганларнинг тўртдан бири эса ишлаб чиқариш нормасини бажармайди. Муассасаларнинг моддий базаси йилдан-йилга тобора кўпроқ яроқсиз ҳолга келмоқда.

СССР Ички ишлар министрлиги ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари системасини тангликдан олиб чиқишга қаратилган ислоҳотлар дастурини тайёрлади ва уни СССР Давлат ҳокимияти органлари муҳокамасига қўйди. Чунончи, судланганларни қонунларни қоидаларини иложи борича кўпроқ қўлланиш, муассасаларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини кўрсатма асосида режалаштиришни бекор этиш катта аҳамиятга эга бўлиши керак. Жазо муддатини ўтаб бўлган кишиларнинг эркинликда яшаш шароитларига кўникишларини қонуний асосда бошқариб туриш, собиқ маҳбусларни ишга қабул қилишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини, давлат ва жамоат кўникма марказларини ташкил этиш зарур.

Тарбиявий ишларни киши руҳи-қайнаётганига таъсир этиш усуллари асосида, шахсни ижтимоий жиҳатдан аниқлаш ҳамда ахлоқ тузатишга таъсир қилишнинг табақалаштирилган дастури асосида ташкил этишни ўйлаяпмиз. Қораланган кишиларнинг ўз меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлиги, уларга нисбатан меҳнат қонунлари қоидаларини иложи борича кўпроқ қўлланиш, муассасаларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини кўрсатма асосида режалаштиришни бекор этиш катта аҳамиятга эга бўлиши керак. Жазо муддатини ўтаб бўлган кишиларнинг эркинликда яшаш шароитларига кўникишларини қонуний асосда бошқариб туриш, собиқ маҳбусларни ишга қабул қилишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини, давлат ва жамоат кўникма марказларини ташкил этиш зарур.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

# Ойнаи жаҳонда

**14 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА**

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Зоология. Ўргимчаксимонлар.
12.30 Рус адабиёти. А. С. Пушкин лирикаси.
13.00 Тақрорий фильмлар экрани. «Сиз ҳам осмонни кўрасиз». Бадиий фильм.
14.10 «Оҳангларда қалб ҳарорати». Телефильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Дала неъматлари — эл дастурхонига».
18.45 «Осиё овози» халқаро конкурси ғолиблари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тилга эътибор...».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Созимда севги васфи». Мусиқий кўрсатув.
21.30 «Хирмонингизга барака».
21.50 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.20 Экранда — хинокомедия. «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Эркин дарс кунлари». Телефильм.
18.25 «Мактабдаги ўзгаришлар» (рус тилида).
19.00 Тошкент хабарлари.
19.10 «Касбим—фахрим».
19.55 «Сарҳадсиз дўстлик» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Каромат Ҳожиева ва Даврон Алиматов куйлайди.
21.40 «Панди ниегон».
22.00 «Ахбор».
22.15 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун программа.
22.55 «Машъум хато». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Зай ва Чик». Мультфильм.
8.15 «Куни хотирадан кўтарилган эсдалик». Телевизион бадиий фильм.
9.50 «Иқтисодий бумеранг». Переяславль-Залесск шаҳрида бўлиб ўтган болалар экологик конференцияси ҳақида.
10.35 И. Л. Андрониковнинг ғазаки ҳикоялари.
11.25 Концерт.
12.00 «Время».

* * *

15.00 «Мовий водийдаги гулхан ёнида». Телевизион ҳужжатли фильм («Иркутск»).
15.20 «Ёмғир куйи». Эстрада концерти.
16.00 «Олтин соч». Мультфильм.
16.15 «Баджаҳл Ёжиков». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
16.45 Компьютер билан мулоқот.
17.30 «Томошабинлар меҳри совғини» кинофестивали. «Ложкин тиллаларини қаерга беркитган». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владикавказ).
18.00 «Время».
18.30 «Ҳайвонот боғида таъмирлаш». Мультфильм.
18.40 Долзарб интервью.
18.55 «Комиссар Амброзионинг кунлари». Телевизион бадиий фильм премьераси (Италия). Бош ролда — Уго Тоньяцци.
20.30 «Время».
21.00 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
21.10 Коллаж.
21.15 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.35 «Буюк Петр». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»).
22.35 «Нигоҳ».
23.40 «Учрашувни Татьяна Шмига белгилади». Телевизион мусиқий фильм.
00.15 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

**Ўқув программаси**

8.15 «Киносаёҳатчилар альманаҳи».
8.35, 9.35 Тарих. 5-синф. Муз устида жанг.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Адабиёт. 6-синф. Садко ҳақида қисса.
11.05 «ТелеЭКО» журнали.

*

12.05 «Гармония». Телевизион бадиий фильм.
13.00 «Сизни ҳам, ўзимни ҳам қувонтириб». Фильм-концерт.
13.55 «Булутли осмон». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
14.25 Тақрорий телефильмлар сеанси. «Карино». 4-серия.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Хайр, тоғлар» (Владивосток).
17.00 «Йил фасллари». Мультфильм.
17.10 П. Коган раҳбарлигидаги Москва Давлат симфоник оркестрининг концерти.
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 Спорт ҳамма учун.
18.45 «Парнас сари бир босқич» халқаро телевизион фестивали. Давлат Марказий концерт залидан кўрсатилади.
20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бизникида меҳмонда».
21.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК—«Днепр».
22.50 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги.
23.50 **СССР Олий Совети сессиясининг кундалиги.**

Д. 1264. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12